O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

VATAN TUYG`USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

MILLIY TIKLANISH

6 (6) (37-40) 4 декабрь, пайшанба 2008 йил • Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

Муҳим ижтимоий-сиёсий тадбир

Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови Бухоро вилоятида қизғин ва юқори савияда ўтди

5-бет

Энергетика замони

инсоният тақдири энергия муаммоси қай тарика ҳал қилинишига боғлиқ

7-бет

Миллий дўппилар намойиш этилди

8-бет

МТ БУГУНГИ СОНДА:

ПАРТИЯ ҲАЁТИ ВА ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ 2-бет
Учрашувлар самарали ўтди
Оқсоқолга яна ишонч билдирилди
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ 3-бет
Бош қомусимиз ва сиёсий партиялар
ИҚТИСОДИЁТ 4-бет
Иқтисодий юксалиш
ЖАРАЁН 5-бет
Ҳунардан унар
Содиқликка қасамёд
ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН 7-бет
Дунёдан дараклар
РАНГИН ДУНЁ 8-бет
Фантазиялар ҳақиқатга айланмоқда
Турфа олам

Асосий Қонунимиз мамлакатимиз мустақил тараққиёти ва буюк келажагининг мустаҳкам ҳуқуқий пойдеворидир.

«МТ» ТАШКИЛОТЛАРИДА

«Баркамол ёшлар — обод Ватан келажаги»

ЎзМТДП Андижон вилояти кенгаши томонидан ўтказилган минтақавий ёшлар форуми ана шундай деб номланди

Сайёра ҲАЙИТБОЙ қизи, «Milliy tiklanish» мухбири

Мамлакатимизда ёшлар камолотини кўзлаб амалга оширилаётган хайрли ишлар кўлами кун сайин кенгайиб бормоқда. Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси Ёшлар билан ишлаш бўлими ва Андижон вилояти кенгаши томонидан «Баркамол ёшлар — обод Ватан келажаги» мавзусида ўтказилган минтақавий ёшлар форуми ҳам ёшларнинг ҳуқуқий билимини бойитиш, сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг бўш вақтларини унумли ўтказишга кўмаклашиш, касбга йўналтириш, улар ўртасида гиёҳвандликнинг олдини олиш ва турли салбий оқимлар таъсирига тушиб қолишларига йўл қўймаслик ҳамда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилди. Шунингдек, иштирокчиларни ЎзМТДП вилоят кенгаши қошидаги «Фидойи ёшлар» клуби ишлари билан яқиндан таништириш ва келгуси фаолият режаларини такомиллаштириш, иқтидорли, ташаббускор ёшларни партия сафига бирлаштириш, МТДП Андижон шаҳар, Шаҳрихон, Андижон каби илғор туман кенгашларининг иш тажрибаларини оммалаштириш кўзда тутилди.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида

Жаҳон стандартларига жавоб берадиган ва жаҳон бозорларида талаб қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, замонавий юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий инвестицияларни, биринчи галда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, Навоий вилоятининг саноат салоҳиятини, ишлаб чиқариш, транспорт-транзит ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ва Навоий вилояти ҳокимлигининг Навоий шаҳри халқаро аэропорти ҳудудида "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зона (кейинги ўринларда – ЭИИЗ) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

"Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зона ҳудудида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг асосий йўналиши – замонавий хорижий юқори унумли асбоб-ускуналар ва техника, технологик линиялар ва модуллар, инновация технологияларини жорий этиш ҳисобига юқори технологияли, жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулотларни кенг кўламда ишлаб чиқаришдан иборат этиб белгилансин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

"Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонанинг фаолият кўрсатиш муддати 30 йилни ташкил этади, бу муддат кейинчалик узайтирилиши мумкин;

ЭИИЗ фаолияти давомида унинг ҳудудида алоҳида божхона, валюта ва солиқ режимлари, Ўзбекистон Республикаси норезидент фуқароларининг унинг ҳудудига кириш, ҳудудда бўлиш ва чиқиб кетишнинг, шунингдек, улар томонидан меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун рухсатномалар олишнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилади;

алоҳида ҳуқуқий тартиб, шу жумладан, солиқ, валюта ва божхона тартиби фақат ЭИИЗ ҳудудида фаолият кўрсатаётган ва ЭИИЗ дирекцияси томонидан рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар учун амал қилади;

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зона фаолиятини мувофиқлаштириш ва тезкор бошқариш тегишли равишда давлат органлари вакилларидан ташкил этиладиган Маъмурий кенгаш ва ЭИИЗ дирекцияси томонидан амалга оширилади. Маъмурий кенгашнинг шахсий таркиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади;

(Давоми 3-бетда)

ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Фракция йиғилиши

Гулбаҳор УМУРЗОҚОВА, «Milliy tiklanish» мухбири

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, фракция раҳбари Хуршид Дўстмуҳамедов олиб борди.

Депутатлар томонидан дастлаб «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 18- ва 19- моддаларига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинар экан, мазкур лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йилнинг 20 ноябрдаги «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилганлиги таъкидланди.

Фармонда Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Қуролли Кучларда муддатли ҳарбий хизматга йилига бир марта — февраль-март ойларида чақириш белгиланган. «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, фуқароларни чақирув участкаларида қайд этиш январь-март ойларида амалга оширилади. Ҳар йили мазкур ойларда 300 минг нафарга яқин ўсмир ҳарбий хизматга чақирилмоқда, бу эса ўз навбатида уларни чақирув участкаларида қайд этиш ва фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга ҳамда сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга чақиришни бир вақтда амалга оширишни қийинлаштирмоқда. Шу муносабат билан Қонуннинг 18-моддасига ўзгартиш киритилиб, фуқароларни чақирув участкаларида қайд этиш муддатларини апрель-июнь ойларига, 19-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ эса фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга ҳамда сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга чақириш муддатларини февраль-март ойларига кўчириш таклиф этилмоқда.

Аввал хабар қилганимиздек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Регламентининг 62-моддасига асосан, ноябрь ойининг охирги тўлиқ ҳафтасида депутатлар ўз сайловчилари билан учрашувлар ўтказиб қайтишди. Йиғилишда депутатлар мазкур учрушувлар юзасидан фикр алмашдилар. Сўзга чиққан фракция аъзолари сайловчиларга ўз фаолиятлари ҳамда парламентда қабул қилинаётган қонунлар ва бу жараёнларда партия фракциясининг иштироки хусусида маълумот ва тушунтириш берганлиги ҳақида тўхталдилар.

Йиғилиш сўнгида кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ТАЪЛИМ

Мақсад ва маслак бирлиги

Назира ХОЛОВА, Бухоро вилояти Шофиркон туманидаги 15-сон ўрта умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси

Пойдевор

Ўзгариб бораётган замон, давр ҳар биримиздан улкан дунёқараш, юксак маънавият, мустаҳкам эътиқод ва салоҳиятни талаб қилади. Бинобарин, машаққатли касб эгалари — биз ўқитувчилардан ҳам.

Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб, маънан етук, баркамол, мамлакатнинг бугуни-ю, эртаси учун жон куйдирадиган авлодни тарбиялаш давлатимизнинг устувор вазифаларидан этиб белгиланди. Ва бу борада асрга татигулик қадамлар ҳам ташланди.

Мактабимиз — фахримиз

Биз таълим-тарбия бераётган 15-сон умумий ўрта таълим мактабининг туманда ўз ўрни бор. Мактабимиз ўқитувчи-ўқувчилари жамоаси туман ХТБ нинг турли тадбирларида ҳозиру нозир. Бинобарин, қатор ўқитувчи-мураббийларимиз кўрик-танловлар, беллашувлар, турли маданий-маърифий тадбирларнинг фаол иштирокчиси бўлса, ўқувчи-ёшларимиз ҳар йили ўтказиладиган фан олимпиадаларида фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда. Дарвоқе, яна бир гап, фаол ўқитувчиларимиз Тамара Бўронова, Муҳайё Эсанова, иқтидорли ўқувчиларимиз Манзура Муҳаммадиева, Шоҳиста Муллақуловалар туман нашри «Шофиркон овози» газетасида ўз чиқишлари билан тез-тез чиқиб турадилар. Ҳатто, улар орасида таҳририятнинг фаол жамоатчи мухбирлари борлиги мактабимизда яхшигина ижодий муҳит яратилганлигидан далолат беради.

Изланиш — ижод — самара

Бир қарашда, бу уч сўз бирбирини тўлдираётган занжир мисол тасаввур уйғотади кишида. Дарҳақиқат шундай. Изланиш бўлсаю, унинг маҳсули — ижод бўлмаса... Билакс, изланишсиз, ижодсиз самарага ҳам эришиб бўлмайди-да. Хабарингиз бор, жорий йил Халқ таълими вазирлиги томонидан «Таълим муассасаларида ижодий муҳитни ривожлантириш ўқув йили» деб номланди.

(Давоми 4-бетда)

2009 йил учун «Milliy tiklanish»га обуна бўлинг!

Обуна «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ва «Матбуот тарқатувчи» АКнинг барча бўлимларида қабул қилинади!

ПАРТИЯ ҲАЁТИ ВА ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ

«МТ» ТАШКИЛОТЛАРИДА

«Баркамол ёшлар – обод Ватан келажаги»

ЎзМТДП Андижон вилояти кенгаши томонидан ўтказилган минтақавий ёшлар форуми ана шундай деб номланди

(Давоми. Боши 1-бетда)

Вилоятнинг Избоскан туманидаги транспорт касб-ҳунар коллежи биносида бўлиб ўтган тадбирда ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси, Андижон, Фарғона, Наманган вилоятлари, туман ва шаҳар кенгашлари аъзолари, мазкур вилоятлардаги фаол ёшлар, партиядан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларга сайланган депутатлар, вилоят адлия бошқармаси, ФЖЎИ, туман ҳокимлиги, туман халқ таълими бўлими ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Кўргазмалар. Биз бу жумлани бежизга алоҳида таъкидламадик. Кўргазма форумнинг бошқа тадбирлардан фарқли ўлароқ дастлабки қисми эди. Кўргазмада Андижон туманидан келган дўппидўз қизлар ва шаҳрихонлик пичоқчи уста ёшларнинг маҳсулотлари, вилоят кенгаши қошидаги «Фидойи ёшлар» клуби фаолларининг бадиий-тасвирий асарлари намойиш этилди. Бугун келажагимиз эгалари бўлган ёшларнинг эртаси ҳақида сўз борганда Ватанга садоқатли, урф-одат ва анъаналаримизга ҳурмат ҳисси билан улғаяётган, маънан етук ўғил-қизларни тасаввур этамиз. Зеро, Президентимиз раҳбарлигида ёш авлод тарбияси, унинг камолоти йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатлар мақсади ҳам, унинг бераётган ижобий натижалари ҳам тасаввуримизни янада жонлантиради. Кўргазмани томоша қилаётган иштирокчилар, айниқса тадбирга жалб этилган учта вилоятнинг турли ҳудудларидан келган ёшлар бўш вақтларини, ёшлик кучғайратини бекорга ўтказмай, ота-боболаримиздан қолган миллий ҳунарларимизни пухта эгаллаган ва ўз қўллари билан мўъжизалар яратган тенгдошларига кучли ҳавас ва қизиқиш билан қарадилар. Ҳунарманд ёшларнинг партия томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланиши бошқа иштирокчи йигит-қизларда ҳам маълум бир ҳунарни ўрганиш, ана шу йўналишда юксак даражага эришишга бўлган интилишини янада орттирди.

Шундан сўнг тадбирнинг асосий қисмига ўтилди. «Баркамол ёшлар- обод Ватан келажаги» минтақавий ёшлар форумини МТДП Андижон вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси К.Отахонов очиб, самимий тилаклар билдирар экан, жумладан шундай деди: - Президентимиз бундан 14 йил бурун Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн тўртинчи сессиясида сўзлаган нутқида «Ҳозирги талабга, замонга жавоб берадиган ёшларимиз ўсаяпти. Уларга оқ фотиҳа бериш вақти-соати келди» дея умид ва ишонч билан таъкидлаган эдилар. Шундан сўнг ёшлар, улар фаолиятига бўлган эътибор янада ошди. Демоқчиманки, мамлакатимиз шу кунгача эришган ютуқларини ёшларимизсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳар бир соҳа, ҳар бир жабҳада уларнинг ёрқин муваффақиятларини кўришимиз мумкин. Айниқса, 2008 йилни «Ёшлар йили» деб номланиши ёшларимизни руҳлантириб юборди. Гўё уларга мустаҳкам қанот бағишлагандек бўлди. Сўнгги йилларда ёшларимизнинг илм-фан соҳасида, жаҳон спорт майдонларида эришаётган муваффақиятлари кўплаб давлатларни ҳайратга солаётгани рост.

Дарҳақиқат, ЎзМТДП Дастурида ёшлар масаласида белгиланган вазифаларни амалга оширишда партия, «Ёшлар қаноти» самарали фаолият олиб бормоқда. Вилоят кенгаши қошидаги мазкур бўғиннинг асосий мақсад-вазифалари ҳам энг аввало ёшларимиз онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш, шу асосда турли ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш, миллий урф-одатлар, қадриятларга ҳурмат ва ифтихор билан қараш, уларни ижодий фаолиятга йўналтирувчи бунёдкор ғоялар руҳида тарбиялаш, яратувчилик ғояларини илгари суришдан иборат.

Бугунги авлоднинг интеллектуал салоҳияти анчайин ўткир ва теран. Бундай иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, ташаббусларини тўғри йўналтириш мамлакатнинг буюк келажагига хизмат қилиш дегани. Бу каби муҳим вазифаларни амалга ошириш биринчи навбатда ҳар биримизнинг ўзаро ҳамжиҳатлигимизга боғлиқ. Шу боис биз минтақавий тадбир орқали вилоятлар ёшларини бирлаштиришни, юзма-юз, самимий, жонли мулоқот ўтказишни, бу орқали ёшлар масаласида эришилаётган ютуқлар билан бирга уларни ўйлантираётган масалалар, қизиқтираётган саволларни чуқур таҳлил қилишни мақсад қилдик. Албатта бу мақсад замирида партиямизнинг ёшлар ҳаётига таллуқли дастурий вазифаларини ҳаётга тўлалигича тадбиқ этиш истаги ётибди.

Дарҳақиқат, ЎзМТДП Дастурида ёшлар масаласида белгиланган вазифаларни амалга оширишда партия «Ёшлар қаноти» самарали фаолият олиб бормоқда. Вилоят кенгаши қошидаги мазкур бўғиннинг асосий мақсад-вазифалари ҳам энг аввало ёшларимиз онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш, шу асосда турли ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш, миллий урф-одатлар, қадриятларга ҳурмат ва ифтихор билан қараш, уларни ижодий фаолиятга йўналтирувчи бунёдкор ғоялар руҳида тарбиялаш, яратувчилик ғояларини илгари суришдан иборат.

Тадбирда бу борадаги амалий ишлар кўламини кенгайтиришда вилоят кенгаши «Ёшлар қаноти» таркибида фаолият бошлаган «Фидойи ёшлар» клубининг алоҳида ўрни борлиги таъкидланди. Клубнинг ёш лектор-сиёсатчи, ёш ҳуқуқшунослар, маданият ва спорт, фан ва таълим, спорт ва профилактика каби йўналишларда аниқ режага асосланган фаолияти таҳсинга сазовордир. Иштирокчилар, жумладан, «Тўмарис издошлари» йўналишида қилинаётган ишлар билан танишар экан, қизларни оилага тайёрлаш масалалари бўйича мутахассислар иштирокида доимий ўтказиб келинаётган давра суҳбатлари, фаол қизларнинг нотиқлик ва сиёсий билимларини шакллантириш мақсадида ташкил этилаётган ўқув-машғулотлари ҳақида ижобий фикрлар билдирдилар.

Тадбирда яна бир мавзу Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 16 йиллигини муносиб ўтказишга алоҳида урғу берилди.

- Конституциямиз белгилаб берган тамойилларни, олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларни нафақат тушунтириш, тарғиб қилиш, балки ҳаётга кенг тадбиқ этишнинг аҳамияти беқиёс,- деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, МТДП МК Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Арслон Эшмуродов. - Бугунги тадбир ана шу мақсадимизни амалга оширишда яхши имконият яратди. Сабаби, ёшлар партиямиздан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига, маҳаллий кенгашларга сайланган депутатларимиз билан бирга жонли мулоқот, саволжавоб қилиш жараёнида халқимиз ва мамлакатимиз ҳаётида рўй бераётган буюк ўзгаришларнинг туб моҳияти ҳамда вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Шаҳло Аҳороваларнинг маърузалари тингланди. Маърузаларда таъкидлаб ўтилган ҳар бир факт, келтирилган мисоллар тадбир қатнашчилари диққат-эътиборида бўлиб, қизғин музокарага сабаб бўлди. Жамиятимизда яшаётган ҳар бир аёлнинг, айниқса илмли, маърифатли хотин-қизларимизнинг мавқеини юксалтириш борасида қилиниши лозим бўлган ишлар юзасидан таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Вилоят миқёсида бўлиб ўтган ушбу семинар барча қатнашчиларда яхши таассурот қолдирди.

Қонунчилик палатаси депутати Раъножон Зарипова Хонқа туман пахта тозалаш, ун ишлаб чиқариш заводларида, тумандаги 11-маҳаллада, Урганч тумани Ғайбу қишлоқ касб-ҳунар коллежида, Урганч Давлат университетида сайловчилар билан учрашувлар ўтказди.

Унда маҳалла фаоллари, педагоглар, шифокорлар, фермер хўжалиги раҳбарлари, тадбиркорлар, талабалар қатнашдилар. Депутат «Конституция-демократия ва ижтимоий адолат кафолати», «Инсон манфаатлари-олий қадрият», «Сайловлар кўпчиликнинг хоҳиш-иродаси» мавзуларида маърузалар қилди. Миллий қонунчилигимиз, парламентда қабул қилинган қонунлар, давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партиянинг ролини ошириш, давлатнинг ёшлар сиёсатига оид қонунлари, жумладан «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, шунингдек, одам савдосига қарши курашиш, ўлим жазосининг бекор қилиниши, қамоққа олиш санкциясини судларга ўтказилиши каби сиёсий ва ҳуқуқий ислоҳотлар ҳақида атрофлича тушунтириш берди. Сайловчиларни ўйлантираётган саволларга жавоб қайтарди.

Депутат Панжи Жўраев 67-Қумқўрғон округида ўз сайловчилари билан учрашувлар ўтказди. Қумқўрғон туман катталар поликлиникаси, тумандаги маиший хизмат кўрсатиш, қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги, аграсаноат касб-ҳунар коллежлари талаба ва ўқитувчилари, Шўрчи туман Эльбаён маҳалласи фуқаролари билан бўлиб ўтган очиқ мулоқотлар жараёнида депутат, асосан сайловчиларни қизиқтирган масалалар юзасидан фикр алмашди. Учрашувларда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллиги ва Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг қабул қилинганлигининг 60 йиллик санасининг муносиб кутиб олиниши ёшлар маънавиятига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиши таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, «Пахта банк», «Миллий банк», «Микрокредитбанк», Халқ банкларининг Қумқўрғон филиаллари, туман солиқ инспекцияси ва туман молия ва ғазначилик бўлими ходимлари ҳамда бюджетдан маблағ олувчи ташкилотларнинг раҳбар ва ходимлари иштирокида ўтказилган йиғилишлар жараёнида депутат ўз фаолияти борасида ҳисоботлар билан бирга мамлакатимизда ижтимоий, иқтисодий соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотлар борасида ҳам маълумотлар берди.

Депутат ўз сайловчилари билан бўлиб ўтган учрашувлар сўнгида депутатлик қабулини ташкил этди. Унда жами 53 та ариза қайд этилди. Қабул жараёнида сайловчилар томонидан кўтарилган асосий масалалар, кўпроқ газ ва электр энергия таъминотида бўлаётган узилишлар ҳамда шахсий уй-жой қуриш учун томорқа олишдаги муаммолар, оқава сув тақчиликлари хусусида бўлди. Ушбу масалалар юзасидан депутат ўз депутатлик сўровлари орқали тегишли ҳокимлик ва идоралар раҳбарларига ёзма ва оғзаки мурожаатлар киритди.

Партия ўтказаётган тадбирларнинг самараси ўлароқ, ёшларнинг дунёқараши бойиб, билимлари мустаҳкамланиб бормоқда. Сабаби, янги ғоя, рағбат ва ташаббуслар, худди шундай муҳит, яъни ўзаро бирлашув, фикрлар ва тажрибалар алмашинувида вужудга келади. Аминманки форум натижасида партиямиз ёшлари сафи яна кенгайди.

Бош Қомусимизда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва имкониятлар, асосий тамойилларни ҳаётга тўлиқ тадбиқ этиш билан боғлиқ эканлигини чуқур ҳис этдилар.

- Сайловчилар билан ўтадиган бу галги учрашув мана шундай самарали, мазмунли тадбир жараёнига тўғри келгани мени беҳад қувонтирди,- деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Самидулла Маҳмудов. — Айниқса, йигит-қизларимизнинг парламентда ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қандай қонунлар қабул қилинаётгани ва бу ҳақда кенгроқ маълумотлар олишга бўлган қизиқишлари депутатларни анча сергак торттирди. Уларнинг ўзларига доир масалаларда билдирган фикр ва таклифлари бизни бефарқ қолдирмади.

Форум давомида истеъдодли ёшларнинг ранг-баранг чиқишлари, саҳна кўринишлари, Избоскан туманидаги 18- сон болалар «Ижодиёт маркази» аъзоларининг театрлаштирилган томошалари, ижро этилган куй-қўшиқлар, дилрабо рақслар барчага кўтаринки кайфият бағишлади.

«Фидойи ёшлар» клуби қизларининг атлас, адрас каби миллий матоларимиздан миллий руҳда ўзлари яратган либослар намойиши ҳам тадбирга ўзгача файз киритди.

Форум қатнашчилари «Ёшлар йили» муносабати билан барпо этилган «Ёшлар маркази» биносида бўлиб, андижонлик ёшларга яратилаётган шарт-шароитлар ва қулайликлар билан танишдилар.

Айтиш жоизки, тадбирдан кутилган самара ўша пайтнинг ўзидаёқ ёшларимиз кайфиятида намоён бўлди. Мана шундай тинч, осуда ва мазмунли ҳаётимизнинг қадрига етиш, мамлакатимизни ҳар томонлама равнақ топтиришда ёшлар катта куч сифатида бирлашиши лозимлигини ҳар бир иштирокчи йигит-қиз юракдан ҳис этди. Ўйлаймизки, партиямизнинг бу каби амалий ишлари ёшларимизни янги ғоялар сари руҳлантиради.

Форум сўнггида бир гуруҳ иштирокчиларнинг таассуротлари билан қизиқдик:

- Биз ёшларга билдирилаётган ишонч ва кўрсатилаётган эътиборга жавобан келажакда малакали мутахассис бўлиб етишишимиз кераклигини «Ёшлар маркази» биноси билан танишиш жараёнида яна бир бора чуқур ҳис қилдим ва бу мақсадим қатъийлашди,- дейди биз билан суҳбатда Навоий стипендияси совриндори, Андижон вилояти кенгаши «Ёшлар қаноти» етакчиси Фарҳод Атахонов. - Бу мақсаднинг форум иштирокчилари бўлган кўплаб тенгдошларим нигоҳларида ҳам акс этганини сездим. Мар-казда яратилган шарт-шароитлар ва қулайликлар ҳақида гапирганда хусусан спорт ва соғломлаштириш, хорижий тиллар ва компьютер технологияларини ўрганиш тўгаракларини алоҳида айтиб ўтиш жоиз. Ёшлар фаоллигини оширишга хизмат қиладиган дастурлар ишлаб чиқилиб, амалиётга тадбиқ этилаётгани уларнинг куч ва билимини юртимиз равнақи йўлида сафарбар этишга олиб келишига ишончим комил.

- Мен «Миллий тикланиш» демократик партияси сафида эканлигимдан фахрланаман,- дейди Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси Рушана Рустамова. - Боиси партия томонидан ташкил этилган кўплаб сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий мавзулардаги тадбирлар, ўқув семинарларда доимий иштирок этганлигим сиёсий билимим ошишига, жамоатчилик ишларида фаоллашувимга олиб келди. Сиёсий жараёнларда муносиб иштирок этаётган ва кўплаб ютуқларга эришаётган тенгдошларимни биламан. Бунинг самараси ўлароқ, уларнинг дунёқарашлари бойиб, билимлари мустаҳкамланиб бормоқда. Сабаби, янги ғоя, рағбат ва ташаббуслар, худди шундай муҳит, яъни ўзаро бирлашув, фикрлар ва тажрибалар алмашинувида вужудга келади. Аминманки форум натижасида партиямиз ёшлари сафи яна кенгайди.

- Форумнинг мен ва унда иштирок этган ёшларга берган яна бир муҳим жиҳатини айтиб ўтишим жоиз. Ундан нафақат бизнинг сиёсий билимларимиз бойиди, балки бизга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик моҳиятини қайтадан анладик, десам муболаға бўлмайди. Тадбир давомида партия томонидан тумандаги кўплаб ногирон болалар ҳолидан хабар олиниб, моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилди. Улар кўзидаги умид ва миннатдорлик ҳиссини англаш, гувоҳ бўлишнинг ўзи киши қалбида меҳр-оқибат, саховат, бағрикенглик тушунчасини юксалтиради- дейди «Фидойи ёшлар» клуби фаоли Зебо Шокирова.

ДЕПУТАТЛИК ФАОЛИЯТИ

Учрашувлар самарали ўтди

ЎзМТДП фракцияси аъзоларининг мулоқотлари

ЎЗ МУХБИРИМИЗ

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг жойларда муваффақиятли тарзда кечаётганлиги аҳоли турмуш фаровонлигини юксалишида ўз ифодасини топмоқда. Бунда, албатта, халқ манфаатлари, хоҳиш-иродаси ва давр эҳтиёжидан келиб чиқиб яратилаётган қонунларимизнинг жойларда ижроси таъминланиб борилаётганлиги, мамлакатимиз Олий Қонунчилик ҳокимияти вакиллари-депутатларимизнинг ўз сайловчилари билан мунтазам учрашувлари ўтказиб, аҳолининг турмуш шарт-шароитлари билан қизиқиб, керакли ўринларда уларни ўйлантираётган барча савол ва мурожаатларга тўлалигича жавоб бериб борилаётганлиги алоҳида ўрин тутмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси ўринбосари Шоира Умарова, Фан-таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Абдуғафур Маматовнинг Жиззах вилоятида ўз сайловчилари билан ўтказган учрашувларида ҳам айни пайтда муҳокама қилинаётган янги таҳриридаги қонун лойиҳалари, амалиётга жорий этилган қонунларнинг мазмун-моҳияти, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида батафсил маълумотлар берилди.

Вилоятнинг Мирзачўл, Дўстлик, Арнасой ва Зафаробод тумани меҳнаткашлари билан бўлиб ўтган учрашувларда депутат Шоира Умарова жорий йил мобайнида кучга кирган бир қатор қонунлар ҳақида тўхталди.

Вилоятнинг тоғли Бахмал, Ғаллаорол туманлари аҳолиси ишонч билдириб сайлаган депутат Абдуғафур Маматовнинг бу галги учрашуви ҳам кенг жамоатчиликнинг фаол иштироки остида бўлиб ўтди. Айниқса, аҳоли турмуш маданиятини юксалтириш, соғлигини сақлаш, бўш иш ўринларини яратиш, қишлоқда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ва шу соҳалар тараққиётни учун қабул қилинаётган барча ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг тўлалигича ҳаётга тадбиқ этиш бўйича олиб борилаётган ишларга кенг тўхталиб ўтилди.

Учрашувлар чоғида депутатлар ташаббуси билан «Миллий тикланиш» демократик партияси вилоят кенгаши ҳамда вилоят хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда «Маънавиятни юксалтиришда олима аёлларнинг роли» мавзусида семинар ташкил этилди. Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлимида бўлиб ўтган ушбу семинарда хотин-қизларнинг энг фаол гуруҳлари, талаба-ёшлар, ишлаб чиқариш илғорлари ва фидойи илмий жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

Кун тартибида белгиланган «Глобаллашув жараёнида олима аёлларнинг тутган ўрни» мавзусида тарих фанлар доктори Фония Ахмедшина, «Демократик жамият қуришда шарқона тарбиянинг аҳамияти» мавзусида депутат Абдуғафур Маматов, «Маънавиятни юксалтиришда олима аёлларнинг роли» мавзусида филология фанлари доктори, профессор Зуҳра Парадева, «Хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш муаммолари» мавзусида вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Шаҳло Аҳороваларнинг маърузалари тингланди. Маърузаларда таъкидлаб ўтилган ҳар бир факт, келтирилган мисоллар тадбир қатнашчилари диққат-эътиборида бўлиб, қизғин музокарага сабаб бўлди. Жамиятимизда яшаётган ҳар бир аёлнинг, айниқса илмли, маърифатли хотин-қизларимизнинг мавқеини юксалтириш борасида қилиниши лозим бўлган ишлар юзасидан таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Вилоят миқёсида бўлиб ўтган ушбу семинар барча қатнашчиларда яхши таассурот қолдирди.

Қонунчилик палатаси депутати Раъножон Зарипова Хонқа туман пахта тозалаш, ун ишлаб чиқариш заводларида, тумандаги 11-маҳаллада, Урганч тумани Ғайбу қишлоқ касб-ҳунар коллежида, Урганч Давлат университетида сайловчилар билан учрашувлар ўтказди.

Унда маҳалла фаоллари, педагоглар, шифокорлар, фермер хўжалиги раҳбарлари, тадбиркорлар, талабалар қатнашдилар. Депутат «Конституция-демократия ва ижтимоий адолат кафолати», «Инсон манфаатлари-олий қадрият», «Сайловлар кўпчиликнинг хоҳиш-иродаси» мавзуларида маърузалар қилди. Миллий қонунчилигимиз, парламентда қабул қилинган қонунлар, давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партиянинг ролини ошириш, давлатнинг ёшлар сиёсатига оид қонунлари, жумладан «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, шунингдек, одам савдосига қарши курашиш, ўлим жазосининг бекор қилиниши, қамоққа олиш санкциясини судларга ўтказилиши каби сиёсий ва ҳуқуқий ислоҳотлар ҳақида атрофлича тушунтириш берди. Сайловчиларни ўйлантираётган саволларга жавоб қайтарди.

Депутат Панжи Жўраев 67-Қумқўрғон округида ўз сайловчилари билан учрашувлар ўтказди. Қумқўрғон туман катталар поликлиникаси, тумандаги маиший хизмат кўрсатиш, қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги, аграсаноат касб-ҳунар коллежлари талаба ва ўқитувчилари, Шўрчи туман Эльбаён маҳалласи фуқаролари билан бўлиб ўтган очиқ мулоқотлар жараёнида депутат, асосан сайловчиларни қизиқтирган масалалар юзасидан фикр алмашди. Учрашувларда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллиги ва Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг қабул қилинганлигининг 60 йиллик санасининг муносиб кутиб олиниши ёшлар маънавиятига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиши таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, «Пахта банк», «Миллий банк», «Микрокредитбанк», Халқ банкларининг Қумқўрғон филиаллари, туман солиқ инспекцияси ва туман молия ва ғазначилик бўлими ходимлари ҳамда бюджетдан маблағ олувчи ташкилотларнинг раҳбар ва ходимлари иштирокида ўтказилган йиғилишлар жараёнида депутат ўз фаолияти борасида ҳисоботлар билан бирга мамлакатимизда ижтимоий, иқтисодий соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотлар борасида ҳам маълумотлар берди.

Депутат ўз сайловчилари билан бўлиб ўтган учрашувлар сўнгида депутатлик қабулини ташкил этди. Унда жами 53 та ариза қайд этилди. Қабул жараёнида сайловчилар томонидан кўтарилган асосий масалалар, кўпроқ газ ва электр энергия таъминотида бўлаётган узилишлар ҳамда шахсий уй-жой қуриш учун томорқа олишдаги муаммолар, оқава сув тақчиликлари хусусида бўлди. Ушбу масалалар юзасидан депутат ўз депутатлик сўровлари орқали тегишли ҳокимлик ва идоралар раҳбарларига ёзма ва оғзаки мурожаатлар киритди.

ИШОНЧ

Оқсоқолга яна ишонч билдирилди

МТДП аъзоси маҳалла фуқаролар йиғинига яна раис этиб сайланди

Анорбой НОРҚУЛОВ,
«Milliy tiklanish» мухбири

Маҳалла Ватан ичра мўъжаз Ватан саналади. Унинг обод ва фаровон бўлиши, ижтимоий-сиёсий, маъданий-маърифий жиҳатдан равнақ топиши маҳалла етакчисига боғлиқ. Агар оқсоқол хўп оқиллик, донолик билан иш юритса, ўз тақдирини, маҳалладошлари тақдири билан узвий боғлай олса, эл дардини ўз дарди деб билса, юрт учун ўз ҳаловатидан кечиб елиб-югурса, халқ, албатта уни ўзига сардор этиб сайлайди. Мусурмон Норқўшоқов ана шундай эл-юрт ҳурматини қозонган инсонлардан.

У бир неча йилдан буён Сирдарё вилояти Мирзаобод тумани ҳудудидаги Усмон Юсупов номли маҳаллага бошчилик қилиб келади. Партиямизнинг энг фаол, жонкуяр аъзоси ўз ҳудудида оқсоқоллик қилиш билан бирга Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг асосий мақсад, вазифалари, ҳақида, хусусан, миллий анъаналар ва қадриятларни сақлаб қолиш, уни янада ривожлантириш борасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боряпти.

Маҳалла етакчиси миллий ғоя асосида маҳалла ёшларини юксак ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларига катта эътибор қаратиб келаётгани ҳам қувончли ҳолдир.

Яқинда маҳаллада фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови демократик тамойилларга асосан ўтказилди. Маҳалла оқсоқоллигига партиядошимиз Мусурмон Норқўшоқовдан ташқари бошқа номзодлар ҳам бор эди. «Фуқоролар йиғини раиси(оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига мувофиқ очиқ овоз бериш йўли билан партиядошимиз Мусурмон Норқўшоқов кўпчилик овоз тўплаб, Усмон Юсупов номли маҳалла фуқаролар йиғинига қайта раис этиб сайланди. Шу куни 9 нафардан иборат маслаҳатчилар ҳам овоз олди. Уларнинг беш нафарини партиямиз аъзолари ташкил этади.

— Маҳалладошларим ишончи зиммамга янада кўпроқ масъулият юклайди. Чунки бугунги тезкор даврда замон билан бирдай қадам ташлаш, ҳаёт олдимизга қўяётган талабларга жавоб бериш биздан янада ташаббускор, тадбиркор ва шу билан бирга фидойи бўлишни тақозо этади- дейди М.Норқўшоқов. — Мен бу ишончга муносиб бўлишга ҳаракат қиламан.

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда)

"Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этилган барча ҳудуд ЭИИЗ фаолият кўрсатадиган бутун давр мобайнида фойдаланиш ва бошқариш учун Маъмурий кенгашга берилади;

"Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зона дирекцияси хўжалик юритувчи субъектларга ЭИИЗ ҳудудида ер участкаларини субижарага топшириш, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини ижара шартномаси бўйича бошқа шахсга бериш, ижара ҳуқуқини гаровга қўйиш, уларни улуш сифатида устав капиталига қўшиш ҳуқуқисиз ижарага беради. ЭИИЗ ҳудудида ер участкаларини сотиш ва бошқача тарзда ўзгага бериш тақиқланади.

3. "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонада рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектлар уларга киритилган тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми қуйидагича бўлган тақдирда ер солиғи, мулк солиғи, даромад солиғи, ободончилик ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона солиқ тўлови (кичик корхоналар учун), Республика йўл жамғармаси ва Республика мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига мажбурий тўловлардан озод этилсин:

3 миллион евродан 10 миллион еврогача – 7 йилга;

10 миллион евродан 30 миллион еврогача – 10 йилга. Кейинги 5 йил давомида фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови ҳажми амалдаги ставкадан 50 фоиз миқдорида белгиланади;

30 миллион евродан ортиқ бўлганда – 15 йилга. Кейинги 10 йил давомида фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови ҳажми амалдаги ставкадан 50 фоиз миқдорида белгиланади.

4. Шундай тартиб белгилансинки, унга кўра ЭИИЗда рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар ЭИИЗ фаолият кўрсатадиган бутун муддатга экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида мамлакатга олиб келинаётган асбоб-ускуналар, шунингдек, хомашё, материаллар ва бутловчи қисмлар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) озод қилинади.

Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистоннинг ички бозорларида сотиш учун мўлжалланган маҳсулотни ишлаб чиқариш мақсадида мамлакатга олиб кириладиган хомашё, материаллар ва бутловчи қисмлар учун божхона тўловлари, агар қонун ҳужжатларида бошқа имтиёзли тартиб кўзда тутилмаган бўлса, белгиланган ставкаларнинг 50 фоизи миқдорида (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) ундирилади, бунда уларни тўлаш муддати 180 кунгача кечиктирилиши мумкин.

Қайд этилган имтиёзлардан фойдаланган ҳолда ЭИИЗ ҳудудига олиб кирилган асбоб-ускуналар, хомашё, материаллар ва бутловчи қисмлар сотилган ёки бепул берилган тақдирда, божхона тўловлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бюджетга тўлиқ ҳажмда ундирилади.

5. "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонада рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектларга қуйидагилар рухсат этилсин:

улар ўртасида тузилган шартномалар ва контрактлар бўйича ҳисоб-китоб ва тўловларни ЭИИЗ ҳудудида хорижий валютада амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган бошқа хўжалик юритувчи субъектлар томонидан етказиб берилган товарлар, бажарилган иш ва хизматларнинг ҳақини эркин алмаштириладиган валютада тўлаш;

экспорт ва импорт қилинадиган товарлар учун ҳақ тўлаш ва ҳисоб-китоб қилишнинг уларга қулай шартлари ва шаклларидан фойдаланиш.

6. "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонада рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигининг солиқ тўловчилар аҳволини ёмонлаштирувчи ҳужжатлари татбиқ этилмаслиги белгилаб қўйилсин, акциз солиғига тортиладиган товарларнинг солиққа тортилишини тартибга солувчи ҳужжатлар бундан мустасно.

7. Навоий вилояти ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси "Ер- геодезка-дастр" давлат қўмитаси, Давлат архитектура-қурилиш қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисоий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмалари билан биргаликда:

икки ҳафта муддатда Вазирлар Маҳкамасига ЭИИЗни жойлаштириш учун зарур бўлган ер майдони бўйича, унинг чегаралари аниқ кўрсатилган ҳолда, таклифлар киритсин;

бир ой муддатда, танланган ер участкаси маъқулланган кейин, уни эркин индустриал-иқтисодий зона яратиш мақсадида белгиланган тартибда ажратсин, уни зарур кадастр материаллари билан расмийлаштирсин ҳамда ЭИИЗ Маъмурий кенгашига у фаолият кўрсатадиган муддатга фойдаланиш ва бошқариш учун берсин;

2009 йил 1 мартгача бўлган муддатда мазкур зона ҳудудини барпо этишнинг, шу жумладан зарур муҳандислик коммуникациялари ва сервис хизматларини ташкил этишнинг дастлабки режасини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин;

2010 йил 1 январгача бўлган муддатда эркин индустриал-иқтисодий зонанинг Бош режасини ва зарур лойиҳа-смета ҳужжатларини тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

бир ой муддатда «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зона тўғрисидаги Низомни тасдиқласин ва унинг фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида қарор қабул қилсин;

2009 йил 1 январгача бўлган муддатда Навоий вилоятидаги эркин индустриал-иқтисодий зона фаолиятини тезкор бошқариш ва давлат томонидан тартибга солиш вазифаларини амалга ошириш учун ЭИИЗнинг Маъмурий кенгашини ташкил этсин;

уч ой муддатда иловага мувофиқ рўйхат бўйича «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зона фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини таъминласин.

9. «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зона Маъмурий кенгашига:

Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда танлов асосида, ЭИИЗ дирекцияси сифатида халқаро эътироф этилган бошқарувчи компанияни танлаш ва унга шартнома асосида ЭИИЗни бошқариш;

хизматлар кўрсатишдан олинган даромадлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар ҳисобига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда унинг фойдаланишида ва бошқарувида бўлган ерлар, биноларва иншоотларни ижарага беришдан олинган тушумларнинг бир қисми ҳисобига шакллантириладиган эркин индустриал-иқтисодий зонанинг мустақил бюджетини шакллантириш;

мустақил бюджет доирасида, маблағлари инфратузилмани ривожлантиришга ва эркин индустриал-иқтисодий зонанинг фаолияти самарадорлигини оширишга йўналтириладиган Эркин индустриал-иқтисодий зонани ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш ҳуқуқи берилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, зарурат бўлганда, Инвестиция дастурларини шакллантиришда ЭИИЗни ривожлантиришнинг тасдиқланган Бош режасига ва тақдим этилган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ эркин индустриал-иқтисодий зонанинг ишлаб чиқариш инфратузилмасини барпо этишга маблағларни назарда тутсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2008 йил 2 декабрь

ТАҲЛИЛ

Зоҳидулло МУНАВВАРОВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси

Бош қомусимиз ва сиёсий партиялар

Барча замонавий давлатлар конституциясида сиёсий партияларнинг ҳуқуқий мақомини белгилашга алоҳида эътибор қаратилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам айнан шундай амалиёт ўзини яққол намоён этиб туради. Ушбу маънода Конституциямизнинг 60-моддаси алоҳида аҳамият касб этади. Унда таъкидланганидек, "сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар." Жамоат бирлашмаларининг энг уюшган ва нуфузли гуруҳини ташкил этадиган сиёсий партияларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари, Конституцияга мувофиқ, давлат томонидан кафолатланади, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги иштироки учун лозим бўлган ҳуқуқий заминни айнан давлат яратиб беради (58-модда).

Ўзбекистон Конституциясининг 34-моддасида мамлакат фуқароларининг касаба уюшмалари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилган. Қолаверса, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи мухолифатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қимматини камситиш таъқиқланган-дир. Умуман олганда, Бош Қомусимизнинг ўнга яқин моддасида сиёсий партияларнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари, мақсад ва вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги иштироки билан боғлиқ конституциявий принцип, қоида ва нормалар ўзининг ифодасини топган.

Бугун, Ўзбекистон Конституциясининг 16 йиллигини нишонлаш арафасида, Бош Қомусимизда ўз тажассумини топган сиёсий партиялар билан боғлиқ масалалар ҳаётга қандай татбиқ этилмоқда деган мазмунда фикр юритиш, бу соҳада амалга оширилаётган ишларни таҳлилий назардан ўтказиш мантиққа мосдир.

Давлат ва жамият қурилишининг бу соҳасида ўтган даврда қилинган ишларнинг умумлаштирма сарҳисоби маъносида мулоҳаза юритиладиган бўлса, энг биринчи навбатда, сиёсий партиялар фаолияти учун лозим бўлган Ўзбекистон Конституцияси принцип ва қоидаларига ҳамда халқаро стандартларга мос мустаҳкам ҳуқуқий заминнинг шакллантирилганини эътироф этиш лозим. Ушбу замин "Жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги (1991 й., 15 февраль), "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги (1996 й., 26 декабрь), "Нодавлат-нотижорат ташкилотлар тўғрисида"ги (1999 й., 14 апрель), "Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"ги (2004 й., 30 апрель), "Нодавлат-нотижорат ташкилотлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунлар ва (2007 й., 3 январь), "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги (2007 й., 11 апрель) Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунида ўзининг эволюцион ифодасини топиб борди. Сиёсий партиялар фаолиятига доир ташкилий-ҳуқуқий масалаларга, шунингдек, айрим бошқа қонун ҳужжатлари, айниқса, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги (1991 й., 18 ноябрь), "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги (2002 й., 12 декабрь), "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги (2003 й., 29 август) каби қонунлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламентида ҳам тегишли ўрин ажратилган.

Зикр этилган ва баъзи бошқа қонун ҳужжатларида ўз аксини топганидек, сиёсий партияларнинг конституцияда белгилаб қўйилган мақомини рўёбга чиқариш, бунинг учун зарур ҳуқуқий базани яратишга йўналтирилган амалий ишлар мустақиллик йилларида тизимли фаолият моҳиятини касб этди. Бунинг натижасини, жумладан, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган партиялар муайян ижтимоий қатламларнинг интилиш ва манфаатлари ҳамда хоҳиш-иродасини ифодалашга қодир уюшган сиёсий кучга айланиб бораётганида ҳам кўриш мумкин. Бошқача айтганда, Ўзбекистондаги бугунги ижтимоий-сиёсий муҳит мустақилликнинг дастлабки йилларидаги ҳолатдан тубдан фарқ қилади. Яъни, демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш вазифаси тақозо этганидек, сиёсий партиялар бугун жамоат бирлашмаларининг ҳақиқий етакчи гуруҳига айланиб бормоқда. Бунинг натижасида, бир жиҳатдан, Конституциямизда ўз ифодасини топган бош мақсад – демократик ҳуқуқий давлат қурилиши суръатлари тезлашмоқда, иккинчи тарафдан, сиёсий партиялар воситасида аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошиб, кенг омманинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини таъминлашга эришилмоқда. Оддий қилиб айтганда, мамлакатимизда замонавий маънодаги фуқаролик жамияти тез суръатлар билан шаклланиб бормоқда.

Таъкидлаш жоизки, демократик ҳуқуқий давлатни ҳам, у билан чамбарчас боғлиқ бўлган адолатли фуқаролик жамиятини ҳам фақат хоҳиш-истак билан барпо этиб бўлмайди. Мазкур маънода, Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни ва у билан боғлиқ равишда "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддаси, 93-моддаси 15-банди, 102-моддаси иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилингани,

Ушбу маънода таъкидлаш ўринлики, Президентимиз томонидан киритилган конституциявий қонун матнига сингдирилган асосий ғоя ҳам сиёсий партияларнинг умуммиллий аҳамиятга молик қарорлар қабул қилишдаги ваколатларини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлашдир. Худди шунингдек, унда давлат ҳокимиятининг вакиллик органларида фаолият кўрсатаётган мухолифатдаги сиёсий партияларга ҳам демократия талаблари шарт қилиб қўйган кафолатлар мустаҳкамланган.

бирини иккинчисидан айри ҳолда тасаввур қилиб бўлмайдиган демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишни кўзлаган серқирра жараённинг янги босқичини бошлаб берди. Мазкур босқичнинг мазмун-моҳиятини сиёсий партияларнинг зикр этилган жараёнлардаги иштирокини кучайтириш ва янада тўлақонли бўлишига эришиш ташкил этмоқдаки, бунинг натижасида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг энг муҳим конституциявий ҳуқуқларидан бири – уларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиши (32-модда) имконияти янада кенгаймоқда.

Мазкур босқич шуниси билан ҳам аҳамиятлики, ҳар қандай давлатчилик тизимининг демократияга мослиги, унинг ҳуқуқийлиги, яъни ундаги ҳаётнинг қонунлар билан белгиланган мезонларга асосланганлигининг бош белгиларидан бири – унда фаолият юргизаётган сиёсий партияларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ҳақиқий ўрнидир. Зеро, демократик давлатларда айнан сиёсий партиялар турли ижтимоий қатламларнинг давлат бошқаруви органларидаги (вакиллик органлари орқали) иштирокини таъминловчи механизм бўлиб хизмат қилади. Ушбу маънода таъкидлаш ўринлики, Президентимиз томонидан киритилган конституциявий қонун матнига сингдирилган асосий ғоя ҳам сиёсий партияларнинг умуммиллий аҳамиятга молик қарорлар қабул қилишдаги ваколатларини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлашдир. Худди шунингдек, унда давлат ҳокимиятининг вакиллик органларида фаолият кўрсатаётган мухолифатдаги сиёсий партияларга ҳам демократия талаблари шарт қилиб қўйган кафолатлар мустаҳкамланиши ҳамда ваколатларининг кенгайтирилиши, айни пайтда, улар зиммасидаги умуммиллий тараққиёт учун масъулиятнинг беқиёс ошаётганини англатади.

Бундан ташқари, "фуқаролик жамияти" дегани, ўз ҳуқуқ ва манфаатлари билан бир қаторда, жамият олдидаги масъулият ва мажбуриятларини ҳам соғлом идрок этадиган онгли ва фаол фуқаролардан иборат ҳамжамиятдир. Айнан ҳуқуқ ва мажбуриятлар идрокининг уйғунлиги бундай фуқароларни жамиятнинг ҳаракатлантирувчи кучига, жумладан унинг ичида кечаётган жараёнларга ўзининг яратувчан таъсирини ўтказишга қодир элементга айлантиради. Сиёсий партиялар эса, энг таъсирчан, фаол ва тезкор жамоат бирлашмалари сифатида, давлат бошқаруви билан боғлиқ ҳамда ижтимоий моҳиятга эга жараёнларга бошқа кўринишлардаги жамоат бирлашмаларидан кўра кўпроқ таъсир этиш имкониятига эгадир. Бундай салоҳиятни сиёсий партияларнинг кенг омма ёки электорат билан давлат ҳокимиятининг барча тармоқлари, айниқса, қонунчилик ва ижро ҳокимиятлари билан боғловчи ҳалқа вазифасини ўташи таъминлайди. Бундан сиёсий партияларнинг давлат бошқарувидаги фаоллигини кучайтириш – кенг халқ оммасининг ушбу умуммиллий жараёнга кўрсатаётган таъсирини ошириш демакдир, деган мантиқий хулоса келиб чиқади. Бу эса, ўз навбатида, Конституциямизнинг "халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир" (7-модда) деган фундаментал принципларидан бирининг рўёбга чиқарилишини таъминлайди.

Зикр этилган Конституциявий Қонуннинг қабул қилиниши ва ҳаётга татбиқ этилаётгани давлат бошқарувидаги демократик моҳиятга эга яна бир сиёсий тамойилнинг бирмунча тўлақонли намоён бўлишига хизмат қилмоқда. Бу тамойил "жиловлаш ва посангилар тизими" деб номланади. Унинг моҳиятини эса, ҳокимиятнинг турли тармоқлари, айниқса, қонунчилик ва ижро ҳокимиятларининг бир-бирига соғломлаштирувчи ўзаро таъсир кўрсатиб туриши ташкил этади. Халқона тилда айтганда, ҳокимиятнинг бир тармоғи иккинчисининг "ҳаддидан ошиб кетмаслиги"ни таъминлаб, эҳтиёж туғилганда, уни "жиловлаб" туриши ёки унга нисбатан "посанги" вазифасини ўташи, бу орқали умуммиллий тараққиётга ижобий таъсир кўрсатиши ташкил этади. Бу – халқаро тажрибада такрор ва такрор исботланган ҳақиқат.

Конституциявий Қонунда мустаҳкамлаб қўйилган Олий Мажлисдаги сиёсий партиялар фракцияларининг Қонунчилик палатаси Спикерини сайлаш, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш, шунингдек халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларидаги сиёсий партиялар гуруҳларининг Тошкент шаҳар ҳамда вилоятлар ҳокими номзодини тасдиқлаш, уларнинг фаолиятини назорат қилиш билан боғлиқ ваколатлари, бошқа ижобий натижалардан ташқари, албатта, давлат ҳокимиятининг қонунчилик ва ижро тармоқлари ўртасидаги соғломлаштирувчи ўзаро таъсир ва назоратни ҳам кучайтиради. Демакки, улар умуммиллий яратувчан механизм бўлиб хизмат қилади. Зикр этилган қонунларда ўз тажассумини топган демократик тамойилларнинг нафақат халқимиз, балки халқаро ташкилотлар, эътиборли экспертлар, чет эллик давлат ва жамоат арбоблари томонидан ижобий баҳоланганлиги ҳам шу билан изоҳланади.

Конституцияга мувофиқ, "Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади" (12-модда). Ушбу принципнинг ҳаётга татбиқ этилишида сиёсий партияларнинг роли беқиёсдир. Зеро, айнан партиялар турли ижтимоий қатламларга хос бўлган орзу-интилишлар ва хоҳиш-истакларнинг аккумулятори ва ифодачиси сифатида ана шундай хилма-хиллик муҳитини ривожлантиради. Сиёсий партияларнинг мустақиллик йилларидаги тадрижий ривожланишига диққат билан назар ташланса, бугун Ўзбекистонда фаолият юритаётган ҳар бир партиянинг шаклланиш ва тараққиёт босқичлари халқимизнинг турли ижтимоий гуруҳлари учун хос бўлган интилишлар эволюцияси билан мантиқий уйғунликда кечаётгани аён бўлади. Энг муҳими, муайян ижтимоий қатламлар учун энг азиз ва энг яқин бўлган интилишлар сиёсий партиялар томонидан тобора теранроқ илғаб олинмоқда. Ўзбекистондаги сиёсий партияларнинг бугунги спектрини "Миллий тикланиш" демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати–либерал-демократик партия, Халқ демократик партияси ва "Адолат" социал-демократик партияси ташкил этаётгани мустақиллик шароитида яратилган янги руҳий-маънавий муҳит туфайли жадал тикланиб бораётган юксак маънавият ва миллий маданият, имон ва эътиқод, ватанпарварлик ва ҳамжиҳатлик, ишбилармонлик ва тадбиркорлик, адолат ва бағрикенглик каби халқимиз томонидан асрлар оша эъзозлаб келинган энг олий инсоний фазилатларнинг мазкур партиялар томонидан фаол тарғиб қилинаётгани билан ҳам изоҳланади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, кўппартиявийлик моҳиятига эга бўлган мамлакатимизда кечаётган бугунги сиёсий жараёнлар, Конституциямизнинг 14-моддасида белгилаб қўйилганидек, давлат фаолиятининг инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширилишига хизмат қилмоқда. Қолаверса, партияларнинг сиёсий-ижтимоий ҳаётдаги конституциявий мақомининг мустаҳкамланиши ҳамда ваколатларининг кенгайтирилиши, айни пайтда, улар зиммасидаги умуммиллий тараққиёт учун масъулиятнинг беқиёс ошаётганини англатади.

ИҚТИСОДИЁТ

ТАРАҚҚИЁТ

Мунирахон ҚОРИЕВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати

Иқтисодий юксалиш

мамлакатимиз ёқилғи-энергетика соҳасига чамбарчас боғлиқ

(Давоми. Боши ўтган сонда)

Унинг хорижий компаниялар – "Харрикейн ойл продакт" (Канада), "Ахема" (Латвия), "Текнип" (Франция), "Бентек" (Германия) билан ўзаро алоқалари ривожланиб бормоқда. 1997 йилдан бошлаб "Дрессер-Ренд" агрегат компанияси, "Келлог" (АҚШ) ва "Нишо-Иваи" (Япония) компаниялари билан ҳамкорлик ҳамда инвестицияларини жалб этишга доир фаолиятлари бошланди. Мамлакат аҳолисини қиш мавсумида газ билан таъминлашни яхшилаш мақсадида 1999 йилдан бошлаб "BSI Индастриез" (АҚШ) компанияси билан ҳамкорликда "Дрессер-Ренд" компрессорларини қўллаш асосида Хўжаобод ерости газ заҳираси ишга туширилди. Шунингдек, "Текнип" (Франция), "Марубени", "Джей Джи-Си" (Япония) компаниялари билан қатор ҳамкорлик фаолиятлари амалга оширилди.

Мамлакатда нефть маҳсулотлари ишлаб чиқариш сифатини яхшилаш борасида 2001 йилда Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи қайта қурилишининг биринчи босқичи «Мицуи» ва «Тойо инжиниринг» (Япония) компаниялари билан ҳамкорликда ўз якунига етди. Бу лойиҳани молиялаштиришда Европа Тикланиш ва Ривожланиш Банки ҳам ўз инвестициялари билан иштирок этди.

Марказий Осиё ҳудудидаги энг йирик ҳисобланган Шўртан газ-кимё мажмуасининг қурилиши эса "АББ Луммуус Глабал" (АҚШ) компанияси томонидан бошқарилаётган консорциум билан ҳамкорликда амалга ошди. Консорциум таркибида "Мицуи", "Тойо инжиринг", "Нишо-Иваи" (Япония) ва "АББ Соими" (Италия) каби компания ва бошқа ташкилотлар иштирок этиб, 2001 йил декабрида мазкур мажмуанинг халқаро тақдимоти бўлиб ўтди.

2000 йилдан бошлаб "Ўзнефтегазмаш" ҳиссадорлик компанияси "Дрессер-Ренд" компанияси билан «UZ-DR Сервис маркази» қўшма корхонасини ташкил этиб, бу корхона компрессор ва насос асбоб-ускуналари ремонти ва уларга ёрдамчи қисмлар ишлаб чиқиш билан шуғуллана бошлади. Шунингдек, унда «UZ-VBM» билан (Россиянинг «Волгабурмаш» компанияси билан ҳамкорликда) қудуқларни очиш учун думалоқ бурғилаш пармалари ишлаб чиқаришга доир ҳамкорлик фаолияти бошланди. Компаниянинг хорижий корхоналар билан ҳамкорлигига доир яна кўплаб мисолларни келтириш мумкин.

Шунингдек, мустақиллик даврида мамлакатда қулай тарзда йўлга қўйилган, кўп тармоқли кучли магистрал газ транспорт тизими ҳам шакллантирилди. Бу тизим қазиб олинган табиий газни қайта ишланганидан кейин уни ҳам ташқи, ҳам ички бозорга етказиб беради. Мамлакатнинг шимоли-ғарбида табиий газнинг транзити ва экспортига мўлжалланган Ўрта Осиё - Марказ ва Бухоро – Урал қудратли газтранспорти тармоқлари ўтиб, улар давлатлараро аҳамиятига эгадир. Бу тармоқлар орқали табиий газ қўшни давлатлар - Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, шунингдек шимолий йўналиш бўйича узатилади. Бу соҳани янада ривожлантириш, шунингдек ташқи ва ички бозорни газ билан таъминлашни яхшилаш мақсадида 2004-2020 йилларда газтранспорт тизимини модернизациялашни амалга ошириш мўлжалланган. Унга биноан 198 км. узунликдаги магистрал газ қувурлари қуриш, табиий газни ташиш тизимини ривожлантириш, қайта қуриш ва тиклаш, 445 км. ва 878 км. узунликдаги магистрал газ қувурларини тиклаш ва кенгайтириш, шунингдек, янги Саримой компрессор станциясини қуриб битказиш, 20 та фойдаланилаётган газ ҳайдовчи компрессор станцияларини, ерости газ заҳираларида жойлашган 4 та компрессор станцияларини кенгайтириш ва қайта қуриш ҳамда 123,3 км. узунликдаги газ қувурлари-шаҳобчаларини қайта қуриш ва тиклаш натижасида 2014 йилга келиб газ экспорт ҳажмини 16 млрд. кубометрга етказиш лозим.

"Ўзбекнефтегаз" миллий холдинг компанияси корхоналарини илмий-техникавий жиҳатларини такомиллаштириш, замонавий технологияларни жорий этиш мақсадларида "ЎзЛИТИнефтегаз" очиқ ҳиссадорлик жамияти, "ИГИРНИГМ" очиқ ҳиссадорлик жамияти, "Нефтегазконструкция" очиқ турдаги акциядорлик жамияти институтлари каби илмий марказлар билан ҳамкорлик фаолиятини олиб боради. Улардан - "ЎзЛИТИнефтегаз" очиқ ҳиссадорлик жамияти "Ўзбекнефтегаз" компаниясининг бош илмий-текширув ва лойиҳа-қидирув институти ҳисобланади.

Шунингдек, компания нефть ва газ соҳасида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва илмий-технологик ва лойиҳалаштириш фаолиятини кенгайтириш мақсадида чет эл инжиниринг компаниялари ва илмий бўлинмалар инвестицияларини жалб қилиш борасида иш олиб бормоқда. Бу соҳада "ИГИРНИГМ" очиқ ҳиссадорлик жамияти – нефть ва газ конлари геология ва қидирув институти билан ҳамкорлик қилмоқда.

Мамлакат нефть ва газ саноатининг ривожланиш стратегиясининг асосий мақсади истеъмолчилари ишончли тарзда ёқилғи-энергетик ресурслари билан таъминлаш ва тўхтовсиз барқарор ишлаб чиқариш суръатларини таъминлаш, шунингдек бу тармоқнинг экспорт салоҳияти ва салмоғини кескин оширишдир.

"Ўзбекнефтегаз" миллий холдинг компаниясининг "2010 йилгача нефть ва газ ишлаб чиқаришни ривожлантириш Концепцияси"га биноан қуйидаги асосий стратегик йўналишлар сифатида геология-қидирув ишларини кенгайтириш, углеводород хомашёсини қазиб чиқаришни ривожлантириш, нефть ва газни қайта ишлаб чиқариш тизимини ривожлантириш кўзда тутилган. Ривожланган давлатларда ёқилғи-энергетик ресурсларга нисбатан тўхтовсиз равишда ўсиб бораётган талаблар суюқ углеводородларни ишлаб чиқаришни ва газ қазиб олишни кўпайтиришни, шу билан бирга, нефть-газни қайта ишлаш ва газкимё соҳасини ривожлантиришни тақозо этмоқда.

Шунингдек, мамлакатнинг хорижий мамлакатлардаги сармоядорлар билан ўзаро ҳамкорлик қилишининг ҳуқуқий асосларини яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Маҳсулот тақсимоти бўйича келишув тўғрисида» (2001 йил декабрь), «Ерости қазилма бойликлари тўғрисида» (янги таҳрир, 2002 йил декабрь) қонунлари қабул қилинди. Уларда жаҳон амалиётидаги хорижий компаниялар билан ҳамкорлик фаолияти натижалари бўйича маҳсулот тақсимлаш тамойиллари ва хорижий компаниялар - потенциал ерости бойликларидан фойдаланувчилар учун концепсия тамойилларига асосланган халқаро ҳамкорлик шакллари мувофиқлаштирила бошланди.

Янги аср бошларига келиб мамлакатдаги ёқилғи-энергетика ресурсларига Россия Федерацияси ҳукумати ҳам қизиқиб қарамоқда. 2004 йилнинг июнида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан Россия Федерацияси Президентининг Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида стратегик ҳамкорлик қилиш ҳақидаги битимнинг имзоланиши билан нефть ва газ саноати соҳасида ҳамкорлик фаолияти бошланди.

2004 йил 16 июнда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан «Лукойл» ОАЖ ўртасида Кандим гуруҳи, Хаузак ва Шоди конларини ўзлаштириш буйича МТК (маҳсулот тақсимоти бўйича келишув) ҳамда Устюрт минтақасида геология-разведка ишларини олиб бориш тўғрисида келишув имзоланди. Лойиҳа бўйича газ қазиб чиқаришнинг йиллик ҳажми 8,8 млрд. куб. метргача етказиш мўлжалланган. Лойиҳани амалга ошириш натижасида қўшимча 7000 та ишчи ўринлари барпо этилиши, ажратиладиган инвестициялар миқдори таҳминан 1 млрд. АҚШ долларини ташкил этиши келишилди. МТКнинг амал қилиш муддати эса 35 йилга белгиланди. У 2004 йил 24 ноябридан бошлаб кучга кирди.

2002 йил декабрда Россиянинг «Газпром» ОАЖ ва «Ўзбекнефтегаз» МҲК ўртасида газ тармоғида стратегик ҳамкорлик ҳақида келишув имзоланди. Унинг мақсади томонлар ўртасидаги хамкорликни фаоллаштириш ва кенгайтиришдан иборат. Мазкур келишув доирасида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 апрелда қабул қилган қарорига мувофиқ Тошкентда 2004 йил 14 апрелда «Ўзбекнефтегаз» МҲК ва «Зарубежнефтегаз» ЁАЖ Устюрт минтақасидаги Шоҳпахта нефт-газ конини ишлаб чиқаришга тайёрлаш тўғрисида МТК имзоланди. Шунингдек, қолдиқ заҳиралар қазиб чиқарилишини таъминлаш учун газ қазиб чиқаришнинг энг замонавий технологиялари қўлланилишига келишилди.

Ёқилғи энергетика мажмуаси соҳасида ҳамкорлик бу билан чегараланмайди, "Газпром" ва "Ўзбекнефтегаз" ўзаро алоқалари орқали бошқа россиялик компаниялар ҳам жалб қилинмоқда. Россиянинг "ЛУКОЙЛ" ОАЖ Ўзбекистон ҳудудида мустақил фаолият юрита бошлади. 2004 йил 16 июнда Ўзбекистон Республикаси ва Инвесторлар Консорциуми ўртасида, яъни "ЛУКОЙЛ" ОАЖ ҳамда "Ўзбекнефтегаз" МҲК ўртасида Россия ва Ўзбекистон Президентлари иштирокида "Қандим-Ховузак-Шоди" маҳсулотлар бўлишига доир келишув битим имзоланди. Шунингдек, "Ўзбекнефтегаз" МҲК билан бошқа етакчи Россия компаниялари «Союзнефтегаз» ЗАО Давлатлараро нефть компанияси ва ОАО «Стройтрансгаз» ҳам фаол ҳамкорлик қилмоқда.

Ўзбекистон энергетикасининг хомашё базаси 190 дан ортиқ табиий газ, нефть, газ конденсати, кўмир конларидан иборат бўлиб, уларнинг умумий заҳираси 2,1 - 5,7 млрд. тонна (нефть эквиваленти бўйича) ҳажмда баҳоланмоқда. Табиий газ заҳираси эса 1,8 – 2 трлн. кубометр ҳажмда эканлиги ҳисобланган. Мамлакат МДҲ давлатлари ичида табиий газ ишлаб чиқариш бўйича иккинчи ўринни эгаллаб, унинг ҳиссаси жаҳондаги газ ишлаб чиқаришнинг 2,3 -2,5 фоизини ташкил этади.

Ҳозирги даврда қазиб олиниши мумкин бўлган барча газ заҳираларининг 66 фоизи 9 та катта газ конларида мужассамлашган бўлиб, уларнинг 8 тасида лойиҳа ишлари амалга оширилмоқда. 2005 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра мамлакатда 5,9 трлн. кубометр табиий газ ресурслари мавжудлиги аниқланган. Мамлакат шимолий-ғарбидаги Устюрт минтақаси бу соҳадаги энг истиқболли ҳудудлардан биридир.

Агар 2006 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми тузилмасида ёқилғи маҳсулотлари ишлаб чиқариш 17,2 фоизни ташкил этган бўлса, бир йил ичида, яъни 2007 йилда бу кўрсаткич 17,8 фоизга кўтарилди. Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларида нефть мустақиллиги учун амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида бу соҳада мислсиз ўзгаришлар юз берди. Айниқса, табиий газ, нефть ва газ конденсатини қазиб олиш анча ўсди. 1992 йилда газ қазиб олиш 42,8 млрд. кубометрни, нефть қазиб олиш (жумладан газ конденсати) 3,3 млн. тоннани ташкил этган бўлса, 2003 йилга келиб 58,1 млрд. кубометр газ ва 7,2 млн. тонна нефть қазиб олинди. Фақат 2007 йилнинг 9 ойи ичида 2,3 млн. тонна нефть саноати маҳсулотлари, жумладан, 1056,7 минг тонна бензин, 1068 минг тонна дизель ёқилғиси, 541,1 минг тонна мазут, 240,5 минг тонна керосин, 225 минг тонна ёғлаш мойлари, 174 минг тонна суюлтирилган газ, 1,4 млн. тонна газ конденсати маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Агар 2006 йилда иқтисодиёт соҳалари ичида ёқилғи-энергетика саноатида 7,9 фоиз хорижий инвестициялар ва кредитлардан фойдаланилган бўлса, 2007 йилга келиб бу кўрсаткич мислсиз даражада юқорига кўтарилиб, 42, 9 фоизга етди. Агар мамлакатда 1990 йилда 34,8 млрд. кубометр газ ишлаб чиқарилган бўлса, ҳозир бу соҳадаги кўрсаткич 2005 йилдаёқ 60 млрд. кубометрдан ўтиб кетди.

Мамлакатда олиниши исбот қилинган нефть заҳиралари 82 млн. тонна деб баҳоланмоқда. Шунингдек, 2005 йилнинг 1 январь ҳолатига биноан суюқ углеводородлар ресурслари истиқболини башорат қилиш асосида 817,7 млн. тонна нефть ва 360 млн. тонна газ конденсати га тенг эканлиги ҳисобланган. Кўриниб турибдики, ҳозир жаҳонда бошланган глобал ёқилғи-энергетика инқирози даврида мамлакатимиз ҳудудидаги бу соҳа ресурслари заҳираси истиқболда ҳам нефть ва газ мустақиллигимизни таъминлаш салоҳиятига эгадир.

Кўриниб турибдики, мустақиллик бизга ўз миллий давлатимизга эга бўлиш, миллий эркинлик, миллатни ривожланиш ва юксалиш, миллий қадриятларимизга эга бўлиш ҳуқуқларимизни тиклаб олишимиздан ташқари бизга яна ўз миллий ресурсларимиз ва бойликларимизга эгалик қилиш ҳуқуқини ҳам берди. Қисқа бир давр – 17 йил ичида мамлакатнинг нафақат сиёсий, балки иқтисодий салоҳияти ҳам мислсиз даражада юксалди. Мамлакат ривожланиш стратегиясининг устувор йўналиши сифатида қўйилган муҳим вазифа – мамлакатда газ ва нефть саноатини ривожланган мамлакатлар даражасида юксалтиришга доир ислоҳотлар ўз натижа ва самараларини бера бошлади. Албатта, бу улкан муваффақиятлар ва ютуклар давлатимиз ва жамиятимиз ривожига доир сиёсатни тўғри ва адолат тамойиллари асосида амалга оширганлигимиз шарофатидир. Машаққатларни бартараф этиб ўтган ҳар бир йилимиз юз йилликларга тенг эканлигини ана шу бир соҳадаги юксалишларнинг ўзи исботлаб турибди. Истиқбол эса бунданда шарафли ва зафарли бўлиши шубҳасиздир.

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРИ ВА ТАЛАБАЛАРИ

Юртдошларимизни Бош Қомусимиз - Конституциямиз қабул қилинганлигининг 16 йиллиги билан самимий қутлайди. Юртимизга тинчлик-омонлик, халқимиз дастурхонига тўкин-сочинлик тилайди.

ТАЪЛИМ

Мақсад ва маслак бирлиги

(Давоми. Боши 1-бетда)

Инчунун, бу ўқитувчи-мураббийлардан юксак ижодкорликни, мана шу уч тушунчани бир-бирига вобаста қилишни талаб қилади. Бу борада жорий йилнинг сентябрь ойида барча таълим муассасалари қатори мактабимизда ҳам ўқув йилининг номланиши бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Ниҳолимиз мева тугди...

Мактабимиз ўқитувчиларининг ижодкорлиги туманда алоҳида эътироф этилиши ҳақида юқорида гап бошлаб қўйган эдик. Ана энди шуларга имкони борича бирма-бир тўхталсак. Дастлаб, ўқув йили бошида она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари Замира Жумаева, Дилфуза Ҳаққуловалар ташаббуси билан мактаб ўқитувчи-ўқувчилари ўртасида ўтказилган «Шоиру, шеъру, шуур» шеърият кечаси истеъдодларни саралагани-ю, янгиларини кашф қилгани билан ҳам ёдда қолди. Шеърият кечасида айниқса айрим иштирокчиларнинг ўз ижод намуналарини ҳавола этгани ҳам кўпчиликда илиқ таассурот қолдирди. Худди шу куни туман газетаси билан ижодий ҳамкорлик йўлга қўйилди. Сентябрь ойи охирида мактабимиз аҳли яна бир хушхабарни эшитди. Рус тили ва адабиёти фани ўқитувчилари Солиҳ Сулаймонов, Зайнаб Искандарова, бошланғич синф ўқитувчиси Феруза Холоваларнинг ўқувчиларга пухта билим бериш бўйича ўзига хос иш услублари энди туман миқёсида оммалаштириладиган бўлди. Шунингдек, жорий йилнинг октябрь ойида расм чизиш ва чизмачилик фанлари ўқитувчиси Ҳамза Ҳусенов ташаббуси билан ташкил этилган «Шу азиз Ватан — барчамизники!» расмлар кўргазмасида ўқувчилар ўз юртларини қанчалик севишларини рангли бўёқлар ёрдамида ифодалаб беришди. Энг сара ишлар эса туман, вилоят миқёсида ўтказиладиган танловларга олиб бориладиган бўлди. Қолаверса, «Сиз тарихни биласизми?» кўрик танловида ўз йўналишлари бўйича ғолиб бўлган иқтидорли ўқувчилардан Амириддин Насриев, Жавоҳир Муллақулов ва бошқалар мазкур фан олимпиадаси қатнашчилари таркибига киритилди.

Бундан ташқари, «Ҳуқуқий саводхонлик кунлари» семинар-тренинглари, «Ўз ҳуқуқингизни биласизми?» танлови ва бошқа шунга ўхшаш интиллектуал тадбирлар яхши натижа бериши баробарида, уларнинг билим савиясини яна бир бор синовдан ўтказди. Айниқса, «Истеъмолчи ўз ҳуқуқини билсин!» кўрик-танловида ғолибни аниқлаш анча мушкул кечди. Жорий йилнинг ноябрь ойидан бошлаб, мактабимизда «Ёш математиклар» тўгараги ўз фаолиятини қайтадан бошлади. Тўгарак ташаббусчилари Лола Камолова ҳамда Гулшода Жўраеваларнинг таъкидлашича, улар ўқувчиларни нафақат олий ўқув юртларига кириш ёхуд вилоят, мамлакат олимпиадаларига, балки жаҳон миқёсида ўтказиладиган олимпиадаларга тайёрлашар экан.

Ютуқлар — келажакка ундайди

Мактабимиз ўқитувчи-ўқувчилари жамоасининг бу борада режалари ҳали бисёр. Жумладан, мактабимиз директори Вилоят Муродова ташаббуси билан ўқув-тарбиявий жараённи изчиллик билан такомиллаштириш мақсадида жорий ойдан бошлаб ҳафтанинг ҳар бир куни бир ном билан, яъни душанба — «Маънавият куни», сешанба — «Иқтидорли-истеъдодли ўқувчилар куни», чоршанба — «Ҳуқуқий саводхонлик куни», пайшанба — «Тарбиявий масалалар куни», жума — «Спорт ва соғломлаштириш куни» ва шанба — «Эстетик дид ва тозалик куни» деб белгиланди. Яъни, мисол учун маънавият кунида дарсдан сўнг ҳар хил маънавий тадбирлар, учрашувлар, китоб кўргазмалари уюштирилади.

Шундай экан, мақсадимиз ҳам, маслагимиз ҳам бир — келажак авлодни вояга етказиш, уларга таълим-тарбия бериш. Шу орқали юрт олдидаги бурчимизни бир заррачалик бажарган бўлсак, ўзимизни бахтиёр ҳис қилардик.

ЖАРАЁН

ИБРАТ

Ҳунардан унар

Ёшларни илм ва ҳунар ўрганишга чақиришда халқ мақолларининг аҳамияти беқиёсдир

Азиза БЕГМАТОВА,
талаба

Инсонлар қадим замонлардан бошлабоқ, ҳаёт кечириш, ўзларига қулай шароитлар яратиш, табиат ҳодисаларининг сирини билиб олиш ва ўз мақсадлари йўлида улардан фойдаланишга интилишган. Шу уриниш натижаси ўлароқ илм-фан юзага келган. Ибтидоий тузум даврида яратилган оддий тош қуролдан тортиб то бугунги кундаги компьютер асригача бўлган давр мобайнида инсоният катта тамаддунни бошидан кечирди. Мана шу жараёнда халқ ўз мақсад ва орзуларини ифодаловчи кўплаб эртак, достон ва мақоллар яратди. Улар орасида халқ мақоллари инсонга энг яхши тарбия воситаси бўлиб хизмат қилди.

Илм ва ҳунар, меҳнатсеварлик ҳақида яратилган энг қадимий мақоллар ўрин олган биринчи манба сифатида Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони луғатит турк» асарини эътироф этиш мумкин. Ушбу асарда «Эрик эрни яғлиг, эрмагу боши қанлиғ» («Тиришқоқнинг лаби ёғлиқ, эринчоқнинг боши қонлиғ»), «Эмгак экинда қолмас» («Меҳнат бўш кетмайди») каби мақоллар келтирилган. Гулханийнинг «Зарбулмасал» асарида тўрт юздан ортиқ халқ мақоллари берилган бўлиб, улар орасида ҳунар ўрганиш машаққатига доир кўплаб мақоллар учрайди. Хусусан, «Садафсиз дур, машаққатсиз ҳунар бўлмас» мақоли етакчи аҳамиятга эга.

Илм ва ҳунар ҳақидаги мақолларда илмли, ҳунарли кишиларнинг фазилатлари, уларнинг ҳаётда ҳамиша зарур кишилар ҳисобланишлари ва турли муаммоларни осон ҳал қила олишлари ифодаланади. Масалан, «Билим- бахт келтирар», «Олтин ерда қолса ҳам- билимли ерда қолмас», «Ҳунар-ҳунардан унар».

Баъзи мақолларда илмли, ҳунарли кишиларнинг фазилати жоҳил, ҳунарсиз кишиларга қарама-қарши қўйилади. «Билаги зўр бирни йиғар, билими зўр мингни», «Илмсиз бир яшар, илмли минг яшар», «Қунт билан ўрган ҳунар, ҳунардан ризқинг унар», «Ҳунари йўқ кишининг, мазаси йўқ ишининг» каби.

Баъзи халқ мақоллари асосида кўплаб ибратли ривоятлар яратилган. Хусусан, «Ҳунарсиз киши ўлимга яқин» мақоли асосида тарбиявий аҳамиятга эга бўлган ибратли ривоят вужудга келган. Унга кўра бир подшоҳ ўз севгилиси-камбағал бир ҳунарманд қизининг талаби билан гилам тўқиш ҳунарини ўрганади ва ана шу ҳунари орқали қароқчилар уни ўлдирмайдилар. Бу мақол замирида ҳунарсиз киши ҳаётда из қолдира олмаслиги, ё хор бўлиши ёки эътибор ва ҳурмат қозона олмаслиги назарда тутилган.

Аксарият халқ мақолларида йигит кишининг ҳунар ўрганишга даъват этиш ғояси етакчилик қилади. Маълумки, йигит киши оиланинг асосий таянчидир. У ҳар қандай ҳолатда ҳам рўзғорни тебрата билиши, оиланинг моддий эҳтиёжини қондира олиши зарур. Шунинг учун ҳам йигит киши кўп нарсадан хабардор бўлиши, кўп ҳунарни эгаллаши лозим. «Йигит кишига қирқ ҳунар ҳам оз», «Йигит кишига етмиш ҳунар оз» каби халқ мақоллари айнан мана шундай тарбиявий кучга эга.

Кайковус ўзининг «Қобуснома» асарида шундай дейди: «Эй фарзанд, огоҳ бўлки, ҳунарсиз киши ҳамиша фойдасиз бўлур, ҳеч кишига наф еткурмас. Билурсанки, хори муғилон (бир хил тиканли бута)нинг тани бордур, аммо сояси йўқдир.

Ҳунарсиз киши ҳам хору муғилон янглиғ на ўзига ва на ўзгага фойда берур».

Ёки ҳазрат Навоий машҳур «Хамса» асарида Фарҳод тилидан шундай дейди:

Ҳунарни асрабон нетгумдир охир,
Олиб, тупроққами кетгумдир охир?!

Демак, бу манбаалардан келиб чиқувчи хулоса шуки, инсон авваламбор ҳунарли бўлмоғи лозим, ҳунарли киши эса ўз ҳунарини эзгуликка сарфлаши, уни бошқаларга ҳам ўргатиши керак.

Ҳозирги кунда илм ва ҳунар мавзусидаги мақолларни ўрганиш, улар замиридаги ғояни ёш авлод онгига сингдириш муҳим вазифалардан биридир. Чунки илм -ҳунар инсонлар учун ҳамиша аҳамиятли бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Шундай экан, ёш авлодни илмга, ҳунарга чанқоқ, жамиятимизнинг муносиб аъзоси қилиб тарбиялашда бу мавзудаги халқ мақолларининг роли ва ўрни беқиёсдир.

АЗИЗ ВА МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР! ЎЗБЕКИСТОН-ГЕРМАНИЯ «САВДОГАР» АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ ЖАМОАСИ

Жонажон Ўзбекистонимизнинг барча фуқароларини кириб келаётган муборак Қурбон ҳайити ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунининг 16 йиллиги билан самимий қутлаб, ҳар бир оилага бахт-саодат, шодлик ва фаровонлик тилайди! Ўзбекистон-Германия «Савдогар» акциядорлик-тижорат банки жамоаси юртимиз аҳолиси даромадларини улар манфаатларига мос равишда ошириш мақсадида ўзининг қуйидаги омонат турларини таклиф этади:

Миллий валютада

** «Сармоядор» муддатли омонати - йиллик 18 %, 3 ой муддатга, минимал миқдор - 100 000 сўм.*

** «Капитал плюс» омонати-йиллик 18 %, минимал миқдор 100 000 сўм.*

Чет эл валютасида

** «Элит» муддатли омонати-йиллик 7 %, 12 ой муддатга, минимал миқдор - 1000 АҚШ доллари*

** «Комфорт» муддатли омонати-йиллик 6 %, 3 ой муддатга, минимал миқдор - 1000 АҚШ доллари*

Мамлакатимиз осмони мусаффолиги, эл-юрт маъмурчилиги абадий бўлсин!

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Саид Барака кўчаси, 78 уй.
Телефонлар: 281-30-29, 254-18-65
www.savdogarbank.uz

САЙЛОВ

Муҳим ижтимоий-сиёсий тадбир

Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови Бухоро вилоятида қизғин ва юқори савияда ўтди

Маннон ОТАБОЙ,
«Milliy tiklanish» мухбири

Дунё тамаддунида маҳалла деб аталувчи ягона, бетакрор бошқарув институти илк бор бизнинг юртимизда пайдо бўлди. Бу сўз луғатимизга кеча ёки бугун кириб келган эмас, балки бундан бир неча минг йиллар олдин ҳам аждодларимиз орасида мавжуд бўлиб, уларнинг кундалик турмушида, жамият ривожида ўзига хос ўрин тутганлиги тарихимиздан ҳам маълум.

Маҳаллалар қадим-қадимдан эзгулик бешиги, тарбия ўчоғи, миллий удумлар, урф-одатлар ва анъаналар шаклланган масканлиги билан ажралиб туради. Энг асосийси, одамларни бир-бирига меҳр-оқибатли, мурувватли, саховатли қилиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этиб келаяпти. Мустақиллик йилларида эса Президентимиз ташаббуси билан маҳаллалар фаолияти бутунлай янги бир тизим кўринишини олди.

Мамлакатимизда бошқарув тизимини ислоҳ қилиш, давлат ҳокимияти вазифаларининг жамоат ташкилотларига босқичма-босқич ўтказилиши, яъни кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш жараёнида маҳалла халққа энг яқин бўғин сифатида ўз аксини топди.

Айни кунларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг Қарори билан жойларда Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови бўлиб ўтди. Бу муҳим ижтимоий-сиёсий жараён Бухоро вилоятида ҳам қизғин кечди. Вилоятда 546 та фуқаролар йиғинлари бўлиб, шундан 424 та маҳалла, 120 та қишлоқ ва 2 та шаҳарча типидаги фуқаролар йиғинлари мавжуд.

Аввало вилоятда сайловни ўтказишга кўмаклашувчи комиссия халқ депутатлари вилоят кенгашида, шаҳар ва туманлар комиссиялари ўз сессияларида тасдиқлангач, тарғибот-ташвиқот ишлари бошлаб юборилди. Ҳар бир фуқаролар йиғинларида ишчи гуруҳлари ташкил қилинди. Ушбу ишчи гуруҳлари аҳоли фикрини ўрганиб, раис ва унинг маслаҳатчилари номзодларини рўйхатга олишди. Дарвоқе, номзодларни танлаш ва уларни маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчиси лавозимига тавсия этиш демократик асосда олиб борилди. Ҳар бир фуқаролар йиғини раислигига учтадан кам бўлмаган номзодлар кўрсатилаётгани ҳам фикримизни тасдиқлайди.

- Президентимизнинг «Юксак маънавият-енгилмас куч» асарида таъкидланганидек, маҳалланинг ҳуқуқ ва ваколатлари кенгайтирилмоқда, улар бугун ўзини-ўзи бошқариш идораси, ҳақиқий демократия дарсхонаси сифатида кенг кўламли фаолият олиб бормоқда,- дейди Оқсоқоллар кенгаши «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раиси Беҳбуд Жумаев. - Шу сабабли биз маънавий ҳаётимизни, миллий онг ва қадриятларимизни, эътиқод ва тафаккуримиз, урф-одат ва анъаналаримизни асраб-авайлаш, маънавий оламимизни юксалтиришга интилар эканмиз, буларнинг барчаси маҳаллага янада кўпроқ имконият бериш, унинг ҳуқуқий ва амалий ваколатларини кенгайтириш билан бевосита алоқадор эканини яхши тасаввур қиламиз. Вилоятимиздаги ўзини-ўзи бошқариш органларининг 80 фоизга яқинида олий маълумотли кадрлар фаолият кўрсатаяпти. Дарҳақиқат, бугунги оқсоқол фаол фикрлайдиган, давлат сиёсатини яхши тушунадиган, обрўли, одамларни ортидан эргаштира оладиган, киришимли, таъмагирликдан йироқ, саховатли инсонлар бўлиши керак.

- Биз Бухоро шаҳар А.Жомий кўчасида жойлашган 61-сон «Боғидашт» маҳалласига кириб борганимизда, қизғин иш жараёни устидан чиқдик. Бу ерда шу куни сайлов ўтиши белгиланган экан. Маҳалла биносидаги битта хона сайловчиларга қулайлик яратиш мақсадида сайловга оид материаллар, қарорлар, иш ҳужжатлари билан тўлдирилган. Раисликка кўрсатилган учта номзоднинг суратлари ва таржимаи ҳоллари катта қилиб деворга осиб қўйилган. Маҳаллада яшовчи аҳоли бемалол улар билан танишиб, ўзаро муҳокама юритишяпти.

Сайловни ўтказувчи ишчи гуруҳ раиси, «Ёшлик» уй-жой мулкдорлар ширкати раҳбари Илёс Зокиров ҳудуддаги мавжуд 15 та кўп қаватли уйларнинг ҳар бирида йиғилишлар ўтказилиб, уйлар номидан сайловда қатнашадиган вакиллар сайланганини айтди. Биз йиғилиш баённомаларини кўздан кечириб, қолаверса, аҳоли билан суҳбатлашиб, одамлар сайловга катта қизиқиш билан қараётганликларининг гувоҳи бўлдик.

Ҳақиқатан ҳам бошқарувнинг қуйи тизими ҳисобланган маҳаллаларга бўлган ишонч кундан-кунга мустаҳкамланиб бораяпти. Бугунги маҳаллалар мустақил, ҳуқуқий ва демократик давлатнинг асосий таянчи бўлиб майдонга чиқди, десак адашмаймиз. Улар халқчил, ўзини-ўзи бошқарадиган жамоат органи сифатида маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари бажараётган кўпгина вазифаларни адолатли равишда уддалашга қодир эканлигини амалда кўрсатиб берди. Уларнинг, айниқса аҳолининг маълум табақаларига аниқ йўналтирилган зарур ижтимоий ёрдам беришдаги ўрни беқиёсдир.

Қолаверса, яна шуниси ҳам диққатга сазоворки, вилоят «Маҳалла» жамғармаси ўзини-ўзи бошқариш органлари қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолиятига яқиндан кўмак бериб келмоқда. Масалан, 10 дан ортиқ маҳаллаларга ҳашар йўли билан янги бинолар қуриб берилди. Шаҳар ва туманлардаги маҳаллаларда жамғарма ва ҳомийлар кўмаги билан 87 та маҳалла марказлари қуриб фойдаланишга топширилди. Ушбу марказларда 274 та савдо, 186 та маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари, 31,7 км. узунликдаги табиий газ ва 18,4 км. узунликдаги тоза ичимлик суви қувурлари тортилди. 93 та қишлоқ спорт ўйингоҳлари ва маҳаллалардаги майдончалар жорий таъмирланди ҳамда зарур спорт жиҳозлари олиб берилди. Когон ва Қоровулбозор туманларидаги барча маҳаллалар жамғарманинг туман бўлинмалари ҳисобидан олиб берилган замонавий компьютерлар билан тўлиқ таъминланди. Бу иш жамғарманинг бошқа шаҳар ва туман бўлинмалари томонидан ҳам олиб борилаётир. Бундан ташқари, жамғарманинг бўлим ва бўлинмалари ўтган 2007 йилда кам таъминланган оилаларга 182 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатди. 500 нафардан зиёд ёш болакайларнинг суннат, юздан ортиқ ёшларнинг никоҳ тўйлари ўтказилиб, шу билан биргаликда 196 нафар ёрдамга муҳтож оилаларга бир бошдан қорамол олиб берилганлиги ҳам эътиборимизни тортди.

Шунингдек, жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига 168 млн. сўмлик турли кўринишдаги моддий ёрдамлар берилди.

Демак, ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳукуматимиз томонидан билдирилган ишонч ва масъулиятни том маънода оқламоқда. Улар минг йиллик анъана, урф-одат ва қадриятларимизни асраб-авайлаш билан бир қаторда жамият миқёсидаги вазифаларни бажаришга ҳам бош-қош бўлишлари талаб этилади. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, фақатгина бизнинг халқимизга хос бўлган маҳалла тизими дунё миқёсида ўртага қўйилган демократик тамойиллар талабига ҳеч бир муболағасиз тўла жавоб беради.

Демоқчимизки, тонгимиз ҳам, тунимиз ҳам,барча иссиқ совуғимиз ҳам, шу маҳаллада ўтар экан, унинг бошқарув ҳаётига ҳар биримиз дахлдормиз. Шунинг учун халқимиз 3 ноябрдан 3 декабргача давом этган Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловида ана шу дахлдорлик туйғусини ҳис қилган ҳолда фаол иштирок этишди. Бу эртанги кунимиз ёруғ ва фаровон бўлишидан далолатдир.

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ

Содиқликка қасамёд

Шу кунларда мамлакатимиз сарҳадларида чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаётган посбонлар сафини янги аскарлар тўлдиришмоқда. Яқинда Жиззах вилоятида катта офицер А. Акбаров командирлик қилаётган бўлинмада 2008 йил кузида сафга чақирилган ёш аскарлар хизматга тайёргарлик ўқувини тугатдилар. Ушбу тадбир муносабати билан қисмга уларнинг ота-оналари, дўстлари ташриф буюришди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси билан бошланган тадбирда аскар либосини кийиб қўлига қурол тутган ўғлонлар мустақил Ватан, халқ ва Президентга садоқат, сўнгги нафасгача ишониб топширилган чегараларни ҳимоя қилишга тантанали қасамёд қабул қилдилар.

Ёш чегарачиларни округ қўмондонлиги вакиллари, мураббий офицерлар, Жиззах вилояти «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармаларининг раҳбарлари, ота-оналар ҳақиқий ҳарбий хизмат сафига қўшилганлиги билан табриклаб қийин ва шарафли вазифаларни бажаришда муваффақиятлар тиладилар. Давлатимизнинг Асосий қонунида белгилаб қўйилган Ватанни ҳимоя қилиш бурчига ҳамиша содиқ қолиб хизматни ёруғ юз билан ўташга чақирдилар.

А.АБДУБАННОПОВ

Суратда: ҳарбий қасамёд пайти

ҚУТЛОВ

«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

Ватандошларимизни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллиги муносабати билан чин дилдан табриклайди.

Сизга мустаҳкам соғлик, оилавий хотиржамлик, хонадонингизга файзу-барака, амалга ошираётган ишларингизда улкан омадлар тилаймиз.

Ватанимизнинг Қомуси ҳар биримизнинг фахримиз, ҳаётимизнинг нурли келажагидир.

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

БИЗНИНГ ШАРҲ

Энергетика замони

инсоният тақдири энергия муаммоси қай тариқа ҳал қилинишига боғлиқ

Беҳбуд БОТИРОВ

Ҳозир дунё энергия таъминотининг ярми нефть ҳиссасига тўғри келмоқда, қарийб учдан бир қисми эса газ ва атом ва ҳар бешдан бир қисми эса кўмирга тегишли. Инсоният ёқилғи ва атом энергетикасиз тараққиётга эришиб бўлмаслигини яхши тушунади, аммо бу бойликлар қайта тикланмайдиган энергия манбалари саналади, улар охир-оқибат тугайди. Айни пайтда жаҳонда нефть заҳираси 140 миллиард тоннани ташкил этмоқда, шундан ҳар йили 3,5 млрд. тоннаси қазиб олинмоқда. Демак, нефть, газ ва кўмир 40-50 йилдан сўнг тугайди. Ана шунда аҳоли мунтазам ўсиб бораётган сайёра муқобил манбалар, жумладан, атом энергиясига эҳтиёж сезади.

Энергетика ҳақида ёзганда мозийдаги бир воқеани эсламасак бўлмас. Бутун борлиқ энг майда зарралардан ташкил топганлиги тарихда исботланган. Қадимда юнон олимлари "майданинг ҳам майдаси бўлган сўнгги зарра мавжуд, у бўлинмасдир", дея ёзиб қолдирганди. Улар бу заррани атом – "atomos", яъни бўлинмас, деб аташган. Мазкур қонуниятга физик олимлар XX аср бошларигача ишониб келишди. Бироқ кутилмаганда атомнинг ўзи ҳам янада майда зарралар: электрон, нейтрон, ядро сингари бўлакчалардан иборатлиги маълум бўлиб қолди. Шундай қилиб, АТОМ замони бошланди!

Мутахассислар келгуси тараққиёт энергетика, иқтисодиёт ва экология билан белгиланишини таъкидлашган. Улар орасида энергетика асосий ўринни эгаллайди. Чунки бу соҳа ҳам иқтисодиёт, ҳам экология учун ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Агар энергия ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланиш бугунгидай шиддат билан давом этса, келгуси йигирма йилликда сайёрамизда демографик эмас, балки ундан-да глобал бўлган энергия манбаалари етишмаслик муаммоси пайдо бўлади.

XXI асрга келиб жаҳон ҳамжамияти ёқилғи энергетика манбааларини қўлга киритишга астойидил ҳаракат қилмоқда. Айниқса, энергия ишлаб чиқариш ва истеъмоли бўйича дунёда биринчи ўринда турувчи Америка кейинги 10-15 йил давомида энергия муаммосини ҳал этишни Яқин ва Ўрта Шарқ углеводород ресурсларини қўлга киритиш эвазига амалга оширмоқчи. Хитой эса ядро энергетикасини ривожлантириш дастурига мувофиқ 2020 йилга қадар барча станциялар қувватини етти бараваргача оширишни мўлжаллаган. Ҳиндистон ва Корея ҳам яқин 25 йил ичида ўзларининг атом энергетикаси қувватини 5-10 баравар оширишга интилмоқда.

Шуниси ажабланарлики, атом маҳзига яширинган энергияни инсон ўз измига бўйсундирар экан, уни нафақат тинчлик йўлида, балки ҳарбий соҳада ҳам ишлатилиши хавфи мавжуд. Бу борада МАГАТЭ - Атом энергияси бўйича халқаро агентлиги ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Эрондаги мавжуд уранни бойитиш корхоналари фаолиятини буткул тўхтатишга бир неча йиллардан буён ҳаракат қилиб келмоқда. Расмий Теҳрон эса бу ишлар аҳоли фаровонлигини яхшилаш, уранни газга айлантириш орқали мамлакат ҳеч қандай ноқонуний ишга қўл урмаганини таъкидлаб келади. Корея халқ Демократик Республикасининг ядровий дастурдан воз кечиши борасидаги олти томонлама музокараларнинг навбатдагиси жорий йилнинг 8 декабрида Пекинда ташкил этилади. Бунга қадар шимолликлар мамлакатдаги муҳим ядровий объектларни йўқ қилгани келгусидаги музокаралар муваффақиятли кечишидан далолат бергандай.

Дунёда қайта тикланмайдиган энергия манбаларига эга давлатлар етарлича. Шунга қарамай, бугунги кунда сайёрамизда 2 миллиарддан зиёд одам замонавий энергетика хизматларидан фойдалана олмайди. Бу эса мазкур табиий ресурснинг янги манбаларини кидириб топишни тақозо этади. Жаҳон амалиётида ҳозир анъанавий энергия манбаалари билан бир қаторда қайта тикланувчи энергия манбаалари - қуёш нури, шамол, биомасса, денгиз ва океанлар сувларининг тўлқинларидан фойдаланишга кўпроқ эътибор берилмоқда. Хусусан, муқобил энергия манбаларини излаб топишда Бразилия тажрибаси алоҳида эътирофга лойиқ. Бу ерда ўсимлик ёғларидан олинадиган этанол спирти билан автомобилларни ҳаракатга келтириш йўлга қўйилган. Ҳозир мамлакатдаги янги автомобилларнинг ҳар ўнтадан саккизтаси муқобил автоёнилғи - этанолда ишламоқда. Бу мамлакатда шакарқамишдан этанол спирти олиш, экспертлар ҳисоб-китобига кўра, АҚШдагига қараганда 33 фоиз арзонга тушмоқда. Африка палмаси, кунгабоқар, пахта чигити ва бошқа ўсимлик ёғларидан биодизел ёнилғиси олиш мумкинлиги бразилиялик фермерлар иқтисодий аҳволини ҳам кўтаради. Чунки мамлакат шимолий минтақаларида зироатчилик билан шуғулланувчи фермерлар ушбу техник ўсимликлардан юқори ҳосил олишади. Уларга эҳтиёжнинг ошиши эса фермерлар учун қўл келиши мумкин.

Бу ёнилғидан кенг кўламда фойдаланиш эса нефть маҳсулотлари сингари атроф-муҳит мусаффолигига асло зарар етказмайди. Унинг бензин ўрнида қўлланилиши эса атмосфера ҳавосини бузаётган, озон туйнугини емираётган хавфли тутунлар миқдори камайишига, бинобарин, муҳитни ифлословчи омилларнинг қисқаришига йўл очиши мумкин. Қолаверса, этанол каби биоёнилғилар, аввало, миллий хавфсизликнинг нефтга боғлиқ бўлиб қолишини бир қадар камайтиради.

Яна бир давлат Папуа-Янги Гвинеянинг Бугенвил оролида автомобиллар эндиликда дизел ёнилғисида эмас, балки кокос мойи билан ҳаракатга келтирилаётгани экан. Оролда кокосларни қайта ишлайдиган завод қурилган. Шунинг учун уларга бу янги автоёнилғи арзонга тушмоқда. Эндиликда бугенвилликлар кокос ёнилғисини экспортга чиқаришни ҳам мўлжаллашмоқда. Европа мамлакатлари янги ёнилғига катта қизиқиш билдиришмоқда.

Россияда ҳам муқобил энергия ўрнини босувчи манбааларни қидириш аллақачон давлат даражасига кўтарилган. Узоқ Шарқдан Мурманскка қадар 2 мингга яқин қуёш энергияси станцияларининг қурилаётгани фикримиз далилидир. Бундай пайтда янги ишбилармонларнинг пайдо бўлиши ҳам табиий. Энди Мозамбик, Намибия ва тропик Африка давлатлари фақат қора қитъадагина ўсадиган экологик тоза мбули ўсимлигидан ёнилғи олишни лойиҳалаштирмоқдалар. Ҳозирданоқ ушбу ўсимликнинг самарадорлиги ва фойдаси кўпчилик хорижий инвесторларнинг эътиборини торта бошлаган. Баъзи мутахассисларнинг фикрича, агар дунё ўсимлик ёнилғиси билан ишлайдиган техникалар асрига қадам қўядиган бўлса, Африкада янги ОПЕК пайдо бўлиши мумкин. Чунки агар аҳоли ва истеъмолчилар сони ўсиб бораётганини ҳисобга олсак, 2030 йилга бориб Африка қитъаси ва Осиёнинг ўзида ярим йиллик ёнилғи талаби айни пайтда бутун дунёнинг икки йил ишлатадиган нефть ва газ миқдоридан ошиб кетади.

Европа Иттифоқи эса автомобилларни 2012 йилдан электрлаштириш тўғрисида лойиҳани тасдиқлаган. Дарвоқе, Ғарбий Европа нефть ва газ импортларининг катта қисмини Россиядан олади. Йилдан-йилга мазкур манбааларга бўлган эҳтиёжнинг ошиб бориши Европа Иттифоқини муқобил энергетика манбаалар ҳақида ўйлашга мажбур қилмоқда. Ҳозир арзон ва экологияга зарарсиз энергетик манбааларни топиш учун нефть истеъмол қилувчи давлатлар миллиардлаб доллар сарфлашга ҳам тайёр. Ҳозирги пайтда Европа Иттифоқида сув, газ, нефть ва атом энергетик станциялар мавжуд. Иттифоқ олдидаги энг муҳим вазифа келгусида қуёш ва шамолдан энергия олишни 20 фоизга етказишдан иборат. Бу борада Ватиканда Рим папаси Бенедикт XVI ўз қароргоҳи томига қуёш батареясини ўрнатгани кўпчиликка ўрнак бўлса ажабмас.

Ядро энергетикаси ҳам энергия ишлаб чиқаришнинг энг табиий тури ҳисобланади. Шу жиҳатдан мазкур бойликка эҳтиёж ва талаб йилдан-йилга ошиб бораётгани бежиз эмас. Бошқача айтганда, ядро энергетикаси энг самарадор манбаа саналади. Негаки, унда бошқа барча ёнилғи турларига нисбатан энергияга тўйинтирилганлик даражаси юқори. Турли башоратларга кўра, 2050 йилга бориб дунё энергия истеъмоли 15 дан 25 млрд. тоннага етади. Бу миқдордаги ноядровий энергияни сарфлаш табиий ресурсларнинг сезиларли даражада камайиши ва иқлим исишига олиб келиши мумкин. Шу сабабли яқин ярим аср мобайнида ядро энергетикаси бу борада энг муносиб ечим бўлиши мумкин.

Ўзбекистон замини ҳам газ, кўмир каби табиий захираларга бой, лекин улар битмас-туганмас эмас. Мамлакатимиз ҳудудидаги кўплаб туманларда йилнинг 350 куни қуёшли бўлади, доимий шамол эсиб турадиган очиқ майдонлар ҳам кўп. Шу боис қуёш, шамол ва биомасса каби муқобил энергия манбааларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга катта эътибор берилмоқда. Мисол учун, Қорақалпоғистон Республикасининг айрим чекка туманларидаги қатор чорвачилик хўжаликларида энергия таъминоти фотоэлектр станциялар билан муваффақиятли алмаштирилди. Бу станциялар чорвадорлар уйларини ёритиб, телевизор, радио, сув чиқарувчи қурилма ва бошқа мосламалар қуёш энергияси асосида ишламоқда.

Пойтахт вилоятининг Зангиота туманидаги "Милк-Агро" фермер хўжалигида Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Технологиялар трансфери агентлиги ҳамкорлигида яратилган биогаз қурилмаси ҳам аҳамиятга молик. Янги технологиядан қишлоқ аҳолиси бошланғич хомашё учун деярли ҳеч қандай харажатларсиз 250-300 куб метр газ олмоқда. Яқин орада фермерлар бу ресурсларни қўллаш кўламини кенгайтириб, ундан машина ва тракторлар учун ёқилғи сифатида фойдаланишни ҳам режалаштирмоқда.

Ишланманинг яна бир афзаллик жиҳати шундаки, у ўзидан иккиламчи маҳсулот - ўғит ишлаб чиқаради. Деҳқонлар тажрибасига кўра, бундай ўғит экологик жиҳатдан тоза бўлиб, тупроқ таркибини қайта тиклайди ҳамда қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини 40 фоизгача оширади. Олимлар ва қишлоқ аҳолисининг ҳамкорликдаги тажрибаси билан Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Фарғона вилояти фермерлари ҳам қизиқмоқда.

- Самарқанд шаҳрида юз-юз эллик йиллик азамат чинорлар кўп - дейди газетага берган интервьюсида олим ва тадбиркор Фарҳод Муқимов. - 297 мингтадан ошадиган чинорларнинг тўкилган япроқлари, ҳадеганда чиримайди. Мол ҳам емайди. Турган гапки, хазон йиғилиб, кўпгина ҳолларда ёқиб юборилади. Хазоннинг тутуни эса кони зарар. Ўтган йил кузда 6-7 тонна чинор япроғини йиғиб, олим Рустам Қутбиддинов билан ҳамкорликда чиқиндилардан янги ёнилғи-тайёрлаш бўйича илмий ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни мақсад қилиб, ишга киришдик. Узоқ вақтлик амалий изланишларимиз натижасиз қолмади: баргдан ёнилғи олиш мумкинлиги исботланди. 1,8 килограмм тайёр маҳсулот қарийб икки соат мобайнида ёнди ва кейин кул бўлиб қолди.

Янги ёнилғининг ўзига хос хусусиятлари шундаки, ўтин, кўмирдан фарқли равишда тайёрланган янги маҳсулот қарийб 82 фоизгача ёнади. Эътиборли жиҳати, қолган кулдан ҳам қишлоқ хўжалигида бемалол фойдаланиш мумкин. Чунки, унинг таркибида фосфор, калий сингари бир қанча минерал ўғитлар борлиги аниқланди. Уни ерга солса, ҳосилдорликни оширишга ёрдам беришига шубҳа йўқ.

Ҳаётимизнинг барча жабҳалари ёқилғи-энергетика билан «тирик». XXI асрнинг биринчи ярмида дунё тартиботи бутун инсоният учун энергетика муаммоси қай тариқа ҳал қилиниши билан белгиланади. Бунинг учун биз ё энергия истеъмоли ва энергия самарадорлигининг янги даражасига чиқишимиз лозим ёки энергия истеъмолини тобора тежаш йўлига ўтишимиз керак. Ҳар қандай ҳолатда ҳам жаҳон ресурслар учун, айниқса энергия борасида бўладиган якуни йўқ курашлар бошланади.

Айрим ривожланган мамлакатларда нефтга боғлиқликни камайтириш, яъни яқин ўн йилликда ёнилғи сифатида бензиндан камроқ фойдаланиш ва унинг ўрнига ёнилғининг муқобил турларидан фойдаланиш кўзда тутилаётгани — булар аслида дарёдан томчи мисол. Боз устига нефтдан фойдаланувчилар ҳалиҳануз бу борада бирор амалий қадам қўйгани ҳам йўқ. Бунда фойда ва самараси ҳозирнинг ўзидаёқ нақд кўриниб қолган биоёнилғи турларининг жаҳон бўйлаб тез оммалашиб кетиши нефть билан шуғулланаётган, энергия манбаларидан сиёсий устуворликка эришув омили сифатида фойдаланишга устаси фаранг халқаро нефть магнатларининг қаршилигини синдириш учун ҳам жуда катта куч-ғайратлар сарф этишга тўғри келади.

Бу қанчалик қийин бўлмасин, барибир, инсоният эртами-кечми энергиянинг муқобил турларини кенг кўламда қўллашга мажбур бўлади. Негаки, ер остидаги нефть ва газ заҳиралари албатта тугайди. Ҳар йили атмосферага 250 млн. тоннага яқин кул ва қарийб 60 млн. тонна таркибида олтингугурт бўлган ангидрид чиқарилиши оқибатида иқлим глобал даражада тез ўзгариб бормоқда. Бу эса инсониятни ўз келажагига хавф солиб турган хатарлардан халос бўлиш учун қайғурмасликка, лоқайд бўлиб яшашга йўл қўймайди. Бинобарин, ҳаётнинг ўзи инсониятни ўз келажаги ҳақида жон куйдиришга даъват этмасдан қолмайди.

Нефтни ёқиш, пулни ёқиш билан баробардир.
Д.Менделеев



● Муқобил энергия манбаалари йўналишида Тошкентдаги "ФОТОН" корхонасида ҳам диққаттортар ишлар қилинмоқда. Муҳандислар қуёш нурларини электр энергиясига айлантирадиган турли қувватдаги мосламаларни ишлаб чиқаришмоқда. Бу нафақат Ўзбекистон учун балки қуёш йил 12 ой кўриниб турадиган жуда кўп мамлакатлар ҳудудида ас қотиши турган гап.

● Дарвоқе, майда зарралар энергиясини юзага чиқариш бобида физиканинг янги йўналиши – нанотехнологияларига катта умид билан қаралмоқда. Нима учун, деб сўрарсиз? Тасаввур қилинг: атом бомбаси портлаган пайтдаги энергия тандирдаги олов тафтидан неча баравар кучли? Худди шундай нано зарралар ҳаракатида яширинган қувват атом қуролидан шу қадар кучлидир!

● Уран 235нинг 90 фоизли критик массасида занжир реакцияси бошланиши учун, яъни атом портлаши юз бериши учун 50 кг. уран керак бўлади. Худди шу мақсадда плутоний ишлатилса, 10 кг. етарлидир. Лекин уни қандай портлатиш қуролга оид сирдир.

● Ўтган 20 йил давомида инсоният қарийб 60 миллиард тонна нефть қазиб олган.

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Йирик сув тошқини

Венецияда рўй берган кучли ёмғир сувни 1,6 метрга кўтарди.

Оқибатда Венециянинг 95 фоиз ҳудуди сув остида қолган. Италия шаҳрида бундай ҳолат 1986 йилдан буён кузатилмаган эди. Бу ерга келган минглаб сайёҳлар ҳозир ҳудуддан чиқиб кета олишмаяпти. Шаҳар маъмурияти сайёҳлар ва аҳолига техника ва бошқа зарур жиҳозлар етказиб бермоқда.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Мутахассислар кучли шамол кичик ўлка томон ҳаракатга келганини айтишмоқда. Эслатиб ўтамиз, Венецияда 1966 йилда кузатилган тошқин оқибатида сув даражаси 1,94 метрга кўтарилган эди.

Бош вазир четлатилди

Таиландда қарийб икки ҳафтадан буён давом этган намойиш охир-оқибат намойишчиларнинг фойдасига ҳал бўлди.

Мамлакат Конституцион суди қарорига кўра, амалдаги Ҳукумат халқ партияси тарқатилади ва бош вазир Сомчаи Вонгсаватуни эса 5 йил давомида сиёсат билан шуғулланиши таъқиқлаб қўйилди. Мутахассисларнинг фикрича, бунга С.Вонгсавату тарафдорларининг сайловларда қонунларни бузганлиги сабаб бўлган.

ИТАР-ТАСС хабарларига кўра, суднинг қароридан қатъий назар ҳукумат халқ партиясининг аксарият депутатлари парламентда ўз жойларини сақлаб қолишлари мумкин. Конституцияга мувофиқ улар партия номини ўзгартирган ҳолда парламентда қолиб, янги ҳукуматни шакллантириш имкониятига эга.

Янги таркиб эълон қилинди

Барак Обама АҚШнинг янги ҳукумат аъзолари таркибини эълон қилди.

Эндиликда Америкада кейинги 4 йил давомида Давлат котиби лавозимини Хиллари Клинтон бошқаради. Мамлакат мудофаа вазири эса Республикачилар партиясидан ягона вакил Роберт Гейтс тайинланади. Президентнинг миллий хавфсизлик бўйича маслаҳатчиси истеъфодаги генерал Жеймс Жонс бўлади.

Бу ҳақда Барак Обама Чикагода ўтказилган матбуот анжуманида маълум қилган.

Саҳрои кабир эҳроми

Миср археологлари эрамиздан аввалги XXIV асрга оид эҳромни топишди.



Мазкур топилма шу вақтга қадар аниқланган 118-эҳром бўлиб, у бундан 4300 йил илгари қадимги Миср салтанатининг олтинчи династияси асосчиси фиръавн Тети даврига тегишли эканлиги аниқланган.

Баландлиги атиги 5 метр бўлган бу эҳром қандай мақсадда фойдаланилгани ҳозирча маълум эмас. Шуниси қизиқки, эҳром Гизадан 20 километр узоқликдаги Саҳрои Кабир чўлида барпо этилган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

РАНГИН ДУНЁ

АСР МЎЪЖИЗАЛАРИ

Фантазиялар ҳақиқатга айланмоқда

Маҳфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА,
«Milliy tiklanish» мухбири

Киши илк бор сув устига уй қурганида инсоният ҳали ер думалоқ шаклда эканлигини ҳам билмаган. Неча асрлардан буён инсон океан туби ва устида нимадир қуриш, океан кенглигини ўзлаштиришга интилиб келади. Ўрта Ер денгизи қирғоқларида, аниқроғи денгиз сувлари кўчаларини тўлдириб турган Италиянинг машҳур Венеция шаҳрига V асрдаёқ асос солинганди.

Океан узра саёҳат

Ўтган асрнинг 70-йилларида бўлиб ўтган «Денгиздаги қурилиш лойиҳалари — «ЭКСПО-70» кўргазмасида японялик меъмор Киенори Кикутакенинг лойиҳаси ҳамманинг диққатини тортган эди. Ушанда меъмор денгизда 800 километрлик занжирни, яъни орол ва сузувчи элементларни пўлат трослар билан боғлаш ҳамда ниҳоятда кучли тезликда магнит йўли қуришни тавсия қилганида ҳамма ҳайрон қолганди. Кейинчалик эса 1975 йили Окинавада сув тубида «тошлар боғи» — Аквополис шаҳарчаси қурилган. Бора-бора фаразлар ҳақиқатга айланиб ўз исботини топди.

Йиллар ўтган сари техника тараққий этиши билан бирга қурилиш лойиҳалари ҳам мукаммалашиб бормоқда. Натижада денгиз меъморчилик майдонида янги тижорат лойиҳалари ҳаётга тадбиқ этила бошланди. Гап аслида «аср қурилиши» — Тинч океанининг жанубий қисми ва Форс кўрфазидаги мўъжизавий қурилишлар ҳақидадир. Билишимизча бу ерда «сунъий орол»лар, ғаройиб меҳмонхоналар ва бир қатор қурилишлар олиб борилмоқда. Саёҳатчилар учун сув тубида қурилган ажойиб меҳмонхонадан океан дунёсини, унинг гўзаллигини бевосита томоша қилиш ҳақиқатан ҳам жуда ажойибдир. Гўёки, биз балиқларни эмас, балиқлар бизни ўз дунёсидан томоша қилаётгандек туюлади.

Яқинда Дубайда (Бирлашган Араб Амирликларида) «Пальма ороли»нинг очилиши бўлиб ўтди. Пальма шаклидаги сунъий оролнинг қурилиши 2001 йили бошланган эди. Уни қандай машаққатлар билан дунёга келганини бир тасаввур этиб кўринг-а. Сув юзида яна янги текислик пайдо қилиш учун океан тубидан махсус насосларда қум тортиб олиниб, кейин уни кемаларда манзилга етказилган. Сунъий оролчани пальма шаклига келтургунга қадар неча киши туну-кун тинмай меҳнат қилган. Ҳатто, орол қурилиши якунига етган бўлса ҳам ҳозир орол атрофига сув оқими шиқаст етказмаслиги ва унинг шаклини сақлаб туриши учун махсус қум ташувчи кема тинмай назорат қилиб турибди. «Пальма ороли» Дубай қирғоғини икки баробарга кенгайтирди. У ерда ҳашаматли меҳмонхона, хусусий вилла, дўкон, ресторан, тантана заллари ва концерт майдончалари қурилган. Байрам кечасининг энг бош қаҳрамони «Atlantik» меҳмонхонаси бўлди. Оролнинг очилиш тантанаси ҳақиқатан ҳам инсоният тарихидаги йирик воқеалардан бири бўлди, десак адашмаймиз. Чунки очилиш маросими кечасида орол мушаклар ёруғлигидан гўё аланга ичида қолгандек эди: 100.000дан ортиқ пиротехник қурилмалари «оғзидан олов сачратди». Дунёнинг деярли ҳамма телеканал мухбирлари Дубайдан жонли репортаж олиб боришди.

Назаримизда шу кеча халқаро иқтисодий кризис унутилгандек бўлди. Негаки, дабдабали тантанада пул тежалмади. Шундай бўлса-да, куни кеча «Пальма ороли»ни қуриб битказган машҳур Nakhell Properties компанияси раҳбарияти эндиликда глобал иқтисодий кризис туфайли айрим лойиҳаларини маълум муддатга қисқартиришини маълум қилди. Махсус баённомада айтилишича, кейинги бир неча ой ичида компания айрим лойиҳаларини тўхтатишини, бироқ бу тезкор лойиҳаларга ва уларнинг келгусидаги режаларига таъсир этмаслигини билдиришган.

Келажак кемаси

Юқорида айтганимиздек, океан кенглигини ўзлаштиришга инсоният кўп йиллардан буён ҳаракат қилиб келмоқда. Бугунги кунда олимлар келажак кемаларининг янги лойиҳаларини илгари суришмоқда. Меъмор ва муҳандис Норман Никсон келажак кемасини ихтиро қилиб, унинг лойиҳасини ишлаб чиқди. У «Озодлик кемаси» — «Freedom Ship» деб номланиб, Гондурасда қурилиши мўлжалланмоқда. Кема қурилишига 15 мингдан зиёд ишчи жалб қилиниб, бир неча сменада иш олиб бориш режалаштирилмоқда. «Озодлик кемаси»нинг узунлиги бир километрдан ортиқ, эни 300 метр бўлиб, оғирлиги 3 миллион тонна. Мутахассислар уни «сузувчи шаҳар» десак ҳам тўғрироқ бўлади дейишмоқда. Кемада доимий 70 минг киши бўлиши ва улардан 20 минги кема хизматчиси ва ҳарбийларини ташкил этиши мўлжалланмоқда. Лойиҳа 9 миллиард АҚШ доллари қийматида баҳоланди. Келажакдаги «Сузувчи шаҳар»да кутубхона, университет, муҳандислик ва тиббиётни ўрганувчи коллеж, касалхона, банк, ресторан, стадион, ҳовуз, меҳмонхона ҳамда ишлаб чиқариш корхоналарининг қурилиши кўзда тутилган. Шунингдек, мўъжизавий лайнерда яшаётган инсонларнинг ишга, ўқишга қатнашлари учун троллейбус, автобуслар билан таъминлаш ва албатта самолётлар учун аэропорт ҳамда дам олиш учун хиёбон ва боғлар ҳам мўлжалланган. Бироқ, бу лойиҳа бошқа мутахассислар томонидан танқид қилинмоқда. Улар кеманинг чўкиш хавфини эътибордан четда қолдириш керакмас деганлари боис лойиҳа маълум муддатга кечиктирилган.

Шундай бўлса-да ҳозирги кунда океан узра сузаётган ягона шаҳар мавжуд. Бу АҚШнинг «ResidenSea» компаниясига қарашли «Тинчлик» саёҳатчи лайнеридир. Унинг узунлиги 196 метр бўлиб, 12 та палуба, 110 та ҳашаматли хоналари ва тиббиёт маркази, театр, дўкон, теннис корти бор. Мутахассислар «Тинчлик» кемаси бу океандаги илк қалдирғочдир, ҳали бундан-да маҳобатли «кема-шаҳар»лар барпо этилади дейишмоқда. Яқинда АҚШ ва Европа ҳамкорлигидаги «Residen Cruise Line» компанияси «Магеллан» лойиҳасини яратиш устида иш олиб бораётганини маълум қилди. Айтишларича, «Магеллан» дунёдаги энг ҳашаматли лайнер бўлиб, у океан узра саёҳат қилса ҳам унда яшаган киши ўзини ташқи дунёдан узилган деб ҳисобламас экан.

ЎГИТ

Ақлли душман, жоҳилу нодон дўстдан яхшироқ
***
Ботир жангда билинар,
Доно — машваратда

БИЛАСИЗМИ?

Голиаф африка қўнғизи ўта оғир вазнли (100 грамм) ҳашоратлар сирасига киради.

***

Эндигина туғилаётган жирафа боласи 1,5 метр баландликдан пастга қулаб тушади.

***

Устида ўркачи бўлишига қарамай, туяларнинг умуртқаси бир текис жойлашган бўлади.

***

Юмронқозиқ туни билан узунлиги 76 метр келадиган туннел қазий олади.

***

Маълумки, пингвинлар уча олмайди. Колибри эса юра олмайди.

ТУРФА ОЛАМ

Бир терабайтли оптик диск

Ҳажми 1 терабайтли оптик диск 2013 йилдан бошлаб, Pioneer компанияси томонидан ишлаб чиқарилиши кутилмоқда.

Айни пайтда компания муҳандислари ана шу дискнинг 400 гигабайтли нусхасини яратиш устида бош қотиришяпти. Бироқ, бу диск ҳам тез орада сотувга чиқарилмайди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, у 2010 йили, шунда ҳам фақат ўқиш учун чиқариларкан. Режага кўра, компания 2012 йили қайта ёзиш имконини берувчи 400 гигабайтли оптик дискларни ишлаб чиқаришга қўйиши мумкин. Маълумки, 400 гигабайтли диск жорий йилнинг июль ойида оммавий тарзда намойиш этилганди. У 16 та қатламдан иборат бўлиб, ҳар бири 25 гигабайт ҳажмга эга. Айтишларича, ушбу диск Blu-ray мосламасидаги маълумотларни бемалол ўқий олади.

Домино бўйича янги рекорд!

Янги дунё рекорди голландиялик домино ишқибозлари томонидан ўрнатилди.

Мазкур ўзига хос шоу ҳар йили ўтказиб келинади. Бу сафар улар домино доналари асосида антиқа бир расм яратишга муваффақ бўлишган. Қанот қоқаётган қушнинг расмини ясаш учун ишқибозларга 4 миллион 435 минг 27 та домино донаси керак бўлган. Айтишларича, ушбу сурат 10 000 квадрат километрлик майдонни эгаллаган бўлиб, уни ясаш учун 100 киши 2 ой давомида тинмай тер тўккан. Рекорд қайд этилгач, домино доналарида акс этган қуш нақд 2 соат мобайнида қулаган.

Кенг экранли илк нетбук

Илк бор BenQ компаниясининг кенг экранли Joybook Lite U101 нетбукини омма орасида намойиш қилди.

Маълумотларга кўра, нетбукнинг ўлчами 10,1 дюйм бўлгани боис, экрани кенг кўринаркан. Янгилик дисплейининг максимал ечими - 1024x576 пиксел. BenQ Joybook Lite U101 бир ядроли Intel Atom N270 процессори базаси асосида йиғилган бўлиб, 1,6 гигагерц частотада ишлайди. Нетбукнинг тезкор хотира ҳажми 512 мегабайт ёки 1 гигабайтга тенг. Қаттиқ дискининг ҳажми эса 80 дан 160 гигабайтгача етади. Симсиз интерфейслар орасида нетбук Wi-Fi ҳамда Bluetooth хизматини қўллаб-қувватлайди. U101 нинг ўлчами - 258x189x32 миллиметр, оғирлиги 1,1 килограмм.

З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади

ТАНЛОВ

Миллий дўппилар намойиш этилди

Тўмарис АЪЗАМ,
«Milliy tiklanish» мухбири

Кеча Тошкент педагогика коллежида Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Бадиий академияси билан ҳамкорликда ташкил этилган «Дўппи тикдим ипаклари тиллодан...» кўрик танловининг республика босқичи бўлиб ўтди.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Акбарова очди.

Дастлаб кўрик- танловнинг туман ва вилоят босқичлари ўтказилиб, ғолиблар аниқланган эди. Танловда вилоят вакиллари ўзларининг дўппилар кўргазмасини ташкил этиб, миллий бош кийимимизнинг ўзига хос хусусиятлари ва тарихига оид ривоятлар айтишди, саҳна кўринишлари намойиш этишди.

Тошкент шаҳри иштирокчилари кўрик-танловнинг ғолиби деб топилиб «Олий ўрин» номинациясига сазовор бўлди. Биринчи ўрин Андижон вилояти, 2- ўрин Сурхондарё вилояти, 3-ўрин Қорақалпоғистон Республикаси ва Фарғона вилояти вакилларига насиб этди. Ғолиблар Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси ва «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармасининг дипломи ҳамда ҳомийлар томонидан эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

«Матбуот тарқатувчи» Акциядорлик компанияси

2009 йил учун газеталар, журналлар ва китобларга обуна давом этаётганлигини маълум қилади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг миқёсли ислоҳотлар ва юртимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, Ватанимиз маънавий-маданий ҳаётидаги янгиланишлар ва воқеалар, хорижий мамлакатлар ҳаёти билан яқиндан ва мунтазам танишиб бораман десангиз вақтли матбуот нашрларига обуна бўлинг!

Обуна «Матбуот тарқатувчи» АК ва «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг барча бўлимларида чекланмаган миқдорда қабул қилинади.

Маълумот учун қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин:

Тошкентда: 233-67-71, 233-67-98

Компания тизимидаги жамиятларнинг телефонлари:

ҚР Нукус (3612) 22-88-68
Андижон (3742) 22-29-89
Бухоро (3652) 25-47-49
Жиззах (3722) 22-40-01
Қашқадарё (3752) 25-40-27
Навоий (4362) 23-26-86
Наманган (3692) 26-29-80
Самарқанд (3662) 34-22-53
Сирдарё (3672) 25-47-70
Сурхондарё (3762) 27-49-03
Тошкент вил. (3712) 233-13-04
Фарғона (3732) 24-29-22
Хоразм (3622) 26-63-75
Компания бўлими 234-85-99

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ:
«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Ахтам ТУРСУНОВ, Ахрор АҲМЕДОВ, Ғолибшер ЗИЯЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Ражаб ЖУМАНИЁЗОВ, Ғафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир ШАРОПОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир:
Жалолиддин САФОЕВ

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи-назаридан фарқланиши мумкин. Реклама ва эълонлардаги факт ва далиллар учун таҳририят жавобгарликни ўз бўйнига олмайди.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

Газета ҳафтанинг пайшанба куни чиқади.
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г-1123

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) 234-87-74, 234-87-73, 234-86-41
ФАКС: (8-371) 234-69-55

Ҳажми 4 босма табоқ
офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-2

Саҳифаловчи:
Акбар ШОДИЕВ
Навбатчи муҳаррир:
Исмат ХУДОЁРОВ
Навбатчи:
Фароғат НИЗАМОВА

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 22.10.

1 2 3 4 5 6 8